

**Ахсикент археология мероси объектини  
муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси**

**Тохиржон Қозоқов  
Алижон Воҳидов  
Бахтиёр Рўзинов**

**ИБРАТ НИГОҲИДАГИ  
АХСИКЕНТ**



**Тошкент – 2018**

**УО'К: 264.22**  
**КВК: 85. (5Ў36)**

**Қ: 50**

**Масъул муҳаррир:**

**Турсунбой Файзуллаев**  
**сиёсий фанлари доктори, профессор**

**Такризчилар:**

**Ҳайдаров Заҳриддинбобир Умарович**  
**тарих фанлари номзоди, доцент**

**Воҳидова Комила Абдулазизовна**  
**тарих фанлари номзоди, доцент**

Мазкур китоб Наманган давлат университети Илмий-техникавий кенгашининг 2018 йил 10 ноябрдаги 10-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Мазкур китоб “Ахсикент тадқиқотчилари” рукни остида нашр этиладиган китобларнинг биринчисидир. Ундаги маълумотлар таниқли маърифатпарвар, шарқшунос олим Исҳоқхон Ибратнинг Ахсикент (Эски Акси) ёдгорлиги тарихини ўрганиш юзасидан олиб борган изланишлари асосида тайёрланган. Китобда Ибратнинг Ахсикент тарихига бағишланган “Туркистон вилоятининг газити”да чоп эттирган мақолалари ҳамда “Фарғона тарихи” асаридаги маълумотларининг бугунги кундаги аҳамияти ёритиб берилган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ISBN: 978-9943-381-6-9-8** © “Наврўз” нашриёти

*“Улуз аждодимиз Ибрат тахаллусини ўзига бежиз танламаган экан. Унинг Ватан ва юрт равнаги йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, десак, адашмаган бўламиз”.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев

## **Муқаддима**

Ўзбек маърифатпарвари, тарихчи, тилшунос, шоир, публицист, хаттот, матбаачи Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат ҳозирги Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида 1862 йилда таваллуд топди. 1878 - 1886 йилларда Қўқондаги Муҳаммад Сиддиқ Тунқотар мадрасасида ўқиди. 1887-1892 йилларда Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул ва Жидда шаҳарларида бўлди. 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшади. Сафардан қайтгач, Тўрақўрғонда янги усул мактабини очиб, ёш болаларни илм-маърифатли қилишга киришди. У биринчилардан бўлиб, «Матбааи Исҳоқия» номли литография ташкил қилди. Ибрат янги мактаблар очиш, муаллимлар тайёрлаш, аёлларни саводли, зиёли бўлишларида фаол қатнашган. Ибрат араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус тили сўзларидан

таркиб топган «Луғат ситта алсина», яъни «Олти тилли луғат»ни тузди. Бу асар ўша давр учун катта аҳамият касб этган эди. Ибратнинг ёзувлар тарихига оид «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи») асарида лотин, юнон, хитой, ҳинд, араб, кирилл ёзувларининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган, илмий-тарихий асарлари («Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон уз-замон») эса Қўқон хонлигининг вужудга келишидан то XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олган. Ибрат «Туркистон вилояти газети», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталарига ёзган мақолалари орқали фан, маърифат ва маданиятни тарғиб этган. Фидойи инсон, 1937 йилда кўплаб ватанпарварлар каби қатағон қурбони бўлди.

Ибратнинг илмий мероси ичида тарихий асар ва мақолалари алоҳида ўрин тутди. Хусусан унинг Фарғонанинг кўҳна тарихи, қадимий шаҳарлар археологиясига оид тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, мозий Ахсикент харобалари устида олиб борган изланишларини «Тарихи Фарғона» асарида ҳамда

“Туркистон вилоятининг газити” газетасининг 1913 йилги саҳифаларида баён қилган.

Мазкур асар ва мақолаларида Ибрат қўлғезмалар асосида Ахсикент тарихини мухтасар ёритиш баробарида, унинг археологияси, Эски Акси ёдгорлигининг тузилиши ҳақида қимматли маълумотларни берган.

Исҳоқхон Ибратнинг қатағон қурбонига айланиши айни пайтда унинг илмий меросидан илм аҳлининг бебаҳра қолишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ўтмишимизга оид қатор маълумотларни нотўғри талқин қилинишига, тарихий ҳақиқатнинг сохталаштирилишига олиб келди. Бу бевосита Ахсикент тарихи учун ҳам тааллуқлидир.

Ибрат асарларининг таъқиб қилиниши, оммадан йироқ тутилиши оқибатида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб “Темурийлар даври Ахсикенти” деган янги тушунча ҳосил қилинди. Натижада Ахсикентни мўғуллар вайрон қилганлиги-ю темурий Умаршайх Мирзо Ахсикентдан 6-8 чақирим ғарброқда Янги Акси шаҳрини қуришга мажбур бўлганлиги ҳақида фикр пайдо бўлди. Ваҳоланки, бирон бир тарихий асарда бу ҳақидаги хабарга дуч келмаймиз.

Шунингдек, Исҳоқхон Ибрат айнан теурий Умаршайх Мирзо пойтахти саналган Ахси айнан ҳозирги Эски Ахси манзилгоҳи эканлигини ўз асар ва мақолаларида муфассал баён этиб кетган эди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 2 ноябрда Наманган вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувида билдирган фикрларидан кейин қадимги Ахсикент тарихини ўрганиш ва Исҳоқхон Ибрат номини абадийлаштириш, унинг илмий-адабий меросини халққа етказиш борасида амалий ишларга киришилди. Мазкур учрашувда жумладан: "...Бу диёрдаги машҳур Ахсикент, Мунчоқтепа, Айритом, Муғтепа каби меъморий ёдгорликлар ўтмишда ушбу худудда ўзига хос цивилизация ва бой маданият ривожланганидан далолат беради....

Миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири, Ватан, халқ истиқлоли учун жонини фидо қилган улуғ бобомиз Ибрат домла ҳақида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Барчамизга яхши маълум, XIX асрда Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган ноёб истеъдодли бу инсон араб, форс, ҳинд, урду, инглиз, француз тилларини

яхши билган.... Унинг “Фарғона тарихи” деган машҳур асари мамлакатимиз тарихига оид нодир манбаалардан бири эканини сизлар, албатта, яхши биласизлар.

...Улуғ аждодимиз Ибрат тахаллусини ўзига бежиз танламаган экан. Унинг Ватан ва юрт равнағи йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, десак, адашмаган бўламиз”<sup>1</sup>, дейилди.

Юртбошимизнинг таклифи ва ташаббуси билан Тўрақўрғонда Ибрат номидаги музей, боғ ва Наманган давлат университети қошида хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 13 апрелдаги ва “Тўрақўрғон туманида Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-71-75 бетлар.

ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йилнинг 5 сентябридаги қарорлари қабул қилинди. Шу билан бирга Ибрат жамғармаси ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-сонли ҳамда Наманган вилояти ҳокимининг 2017 йил 31 октябрдаги 761-қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосида мажмуани сақлаш, унинг иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги муассислигида давлат унитар корхонаси шаклидаги “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси ташкил этилиб, унинг олдида Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ёритиш, мазкур ҳудудни халқаро туризм маконига айлантириш, Ахсикентдан етишиб чиққан олимлар ҳаёт-фаолиятини ўрганиш ва илмий-бадий меросларини халққа етказиш, дунё музейлари, кутубхоналарида сақланаётган Ахсикентга оид осори-атиқаларни аниқлаш каби кенг кўламли вазифалар қўйилди.

Тарихчи олимларимиз олдида турган галдаги вазифалардан бири заҳматкаш олимнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, оммага етказишдир.

Қўлингиздаги ушбу рисола бу борадаги дастлабки қадамлардан ҳисобланади.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.М.Мирзиёев маърифатпарвар Ибрат меросини  
ўрганиш ва халққа етказиш ташаббускори ва  
рахнамоси**

*Турсунбой Файзуллаев,  
НамДУ профессори, с.ф.д.*

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармон, қарор ҳамда маърузаларида доимо **“Тарихни чуқур ўрганайлик, адолатни қарор топтирайлик”** – деган ғояни илгари сурадилар. Тарих – бу миллатнинг тарбиячиси.

Тарих биз учун воқеа-ҳодисаларни шунчаки акс эттирган китоб ёки жараён эмас. Тарихий хотира эртанги кунимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Биз номлари оламга машҳур бўлиб, жаҳон цивилизацияси, маданиятига улкан ҳисса қўшган аجدодларимиз меросини тарих орқали ўрганамиз. Улар билан ҳақли равишда фахрланиб келамиз, руҳланамиз.

Айни пайтда таъкидлаш лозим, бугунги жамиятимизнинг барча жабҳаларига, айниқса илм-фан, таълим тизимларига умидбахш ўзгаришлар шиддат билан кириб келаётган даврда диёримизда

камол топган маърифатпарвар ва алломаларнинг бой маънавий меросларини ёш авлодга етказишимиз ғоят долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг вилоятларга ташрифлари чоғида ўша ҳудудлардан етишиб чиққан тарихий шахслар номини улуғлаш, улкан ижодкор ва алломалар меросини ўрганиш билан боғлиқ кўрсатмалари, уларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланганлигини айтиш адолатдан бўлади.

2016 йил 2 ноябрь куни Учкўрғонда сайловчилар вакиллари билан учрашувда Президентликка номзод Ш.М.Мирзиёев **“Наманган қадимдан кўп-кўп истеъдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу кўҳна заминда туғилиб, ижод қилган кўплаб шоир ва маърифатпарвар шахсларнинг номларини халқимиз ҳурмат билан тилга олади.**

Шу ўринда миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири, Ватан ва халқ истиқлоли учун жонини фидо қилган Ибрат домла ҳақида тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан. Улуғ аждодимиз Ибрат тахаллусини бежиз ўзига танламаган.

Унинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлида, фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда, десак адашмаган бўламиз”, - деган эдилар.

Давлатимиз раҳбари бу борада яна шуни ҳам айтдилар: “Бир фикрни сизлар билан ўртоқлашмоқчи эдим. Тўрақўрғонда Ибрат домла ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей борлиги яхши, албатта.

Лекин, савол туғилади: шундай улуг зотнинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини бутун мамлакат миқёсида ўқиб ўрганиш, меросини тарғиб қилиш, авлодларга етказиш учун шунинг ўзи етарлими? Менимча, Тўрақўрғонда у кишига атаб замонавий боғ барпо қилиб, ёдгорлик мажмуасини ташкил қилсак, буюк бобомиз олдидаги қарзимизни узган бўламиз.

Бу ер бутун республикамиз аҳолиси учун севимли бир зиёратгоҳга айланиши керак. Нега деганда, бундай фидойи инсонлар ўзбек халқининг фахр-у ифтихоридир”.

Шуни айтиш жоиз, вилоят аҳли, зиёлилар, Ш.М.Мирзиёевнинг бу кўрсатма ва ташаббусларини

буюк маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг халқимиз маънавий-маърифий юксалиши йўлидаги хизматларига юксак эҳтироми сифатида қабул қилдилар. Ибрат меросини қайтадан ўрганишга, у кишини номи билан аталувчи боғ мажмуасини барпо этишга киришдилар.

2017 йил 7 июль куни вилоятга иккинчи бор ташриф буюриб, Президентимиз республика ва вилоят даражасидаги масъул раҳбарлар, нуронийлар, зиёлилар билан суҳбат жараёнида ушбу комплексда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича махсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетлари, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамкорлигида хорижий тилларни ихтисослаштирилган тарзда ўргатиш лозимлигини таъкидладилар. Ўқитувчи ва ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалари натижаси ўлароқ “Ибрат ёдгорлик мажмуасини барпо этиш”,

“Хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган Ибрат мактабини ташкил этиш тўғрисида” ҳукуматнинг ва вилоят ҳокимининг иккитадан махсус қарорлари қабул қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг буйруғлари чиқди.

Вилоят ҳокими Х.Ҳ. Бозаровнинг “Исҳоқхон тўра Ибратга муносиб бўлайлик”, деб вилоят аҳлига Мурожаати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди. Ибрат мажмуасини бунёд этиш умуммамлакат, умумхалқ ҳаракати тусини олди. Қурувчилар, архитекторлар, рассомлар сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Натижада, Наманганимизда қиёси йўқ маънавий-маърифий маскан юзага келди. Икки гектардан ошиқ майдонни ташкил этган Исҳоқхон тўра Ибрат мемориал мажмуаси лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд мажмуа боғ-ҳиёбон, унинг ўртасида Исҳоқхон тўра Ибратнинг сиймоси, миллий меъморчилик услубидаги айвон, босмаҳона, илғор технологиялар асосида қурилган мусиқали фаввора, чет тилларига ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернат ва тарихий меъморчилик йўналишида барпо этилган музейни ўз ичига олади.

Ибрат меросини халққа етказишда қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг таниқли олимлари, зиёлилари томонидан қатор илмий асарлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратилди, тўпламлар чоп этилди. Мақолалар ёзилмоқда, телевидения орқали мунтазам кўрсатувлар берилмоқда.

Жумладан, “Наманганлик маърифатпарварлар” туркумидан дастлабки рисоалар китобхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Талабалар ҳам ўқувчи-ёшлар ҳам Ибрат меросини атрофлича ўрганмоқдалар.

Бунинг натижасида кенг жамоатчилик ва ёшларимиз Ибратнинг маърифатпарварлик фаолияти, қимматли маънавий мероси ҳақида янада кўпроқ тушунчаларга эга бўлмоқдалар, десак тўғри бўлади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда дунё тамаддуни ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалар, азиз-авлиёлар юрти сифатида шуҳрат топган. Шу боис ҳам аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш, уларни халққа етказиш доимий эътиборида турибди. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг 2-3 май кунлари учинчи марта вилоятимизга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий

соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш билан танишиб, вазифалар белгилаб берар эканлар, Исҳоқхон Ибрат меросини чуқурроқ ўрганиш зарурлигига яна бир бор диққат қаратдилар. Ташрифнинг иккинчи куни мажмуанинг очилиш маросимида қатнашдилар.

Хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатни ҳам кириб кўрдилар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот қилдилар.

Мактабда умумтаълим фанлари ва инглиз, немис, француз, рус, араб, хитой, корейс филологияси чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилаётгани, бу борада пойтахтнинг етакчи олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани, дарс жараёнига чет эллик кўнгиллилар ҳам жалб этилгани билан қизиқдилар.

Давлатимиз раҳбари маърифатпарвар аллома номи билан аталувчи мактаб ҳар томонлама намунали бўлиши, бир нечта хорижий тилни билган замонавий кадрларни тарбиялаш муҳимлигини таъкидлаб, **“Ибрат домланинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳам ибрат намунаси бўлиб қолмоқда. Ёшларимиз шунга**

муносиб, юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишлари керак. Бу мактабга нафақат Наманган вилояти, балки, мамлакатимизнинг барча худудларидан энг иқтидорли ёшлар ўқишга қабул қилиниши керак”- деб уқтирдилар.

Президентимиз мазкур мактабни аъло баҳоларга битирган ўғил-қизларни олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиш ва грант асосида ўқитиш бўйича топшириқ ҳам бердилар.

Шавкат Мирзиёев мажмуага уйғун тарзда Косонсой сойининг икки қирғоғида бунёд этилган хиёбонни кўздан кечириб, бу ерда қурилаётган уй-жойлар, савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар, аҳоли сайр қиладиган йўлаклар ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча кўрсатмалар бердилар.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари ва раҳнамоликларида ватандошимиз улуғ маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат домланинг тарихчи, шоир, адиб, матбаачи сифатида қолдирган бой маънавий мероси бугун халқимиз, хусусан ёш авлоднинг нодир хазинасига айланди.



Юқоридагилар маълум маънода қуйидаги хулосаларни билдиришга имкон беради.

**-биринчидан,** Президентимиз Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятларининг дастлабки куниданоқ буюк тарихий шахслар номини тиклаш, ватандош алломаларимиз, адиб-ижодкорларимиз меросини ўрганиш, номларини абадийлаштириш, улар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўлларини кўрсатиш орқали ёшларимизни юртга содиқ, халқ ишига фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор бермоқдалар.

**-иккинчидан,** жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган ватандош маърифатпарварлар меросини, хусусан Исҳоқхон Ибрат меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш масаласини кун тартибига қўйилишини, олим-у фузалоларимизга шахсан давлатимиз раҳбарининг доимий эътибор ва ҳурматлари деб қараш, шунингдек, Алоуддин Абу Бакр Косоний меросини ўрганиш ҳақидаги янги ташаббуслари тарихни чуқур ўрганиш ва адолатни қарор топтиришнинг муҳим кўриниши, десак, адолатдан бўлур эди.

**-учинчидан,** давлатимиз раҳбари қайси вилоятга борсалар етишиб чиққан улуғ алломалар номини тилга олишлари, ўша ҳудудни ободонлаштириш, улар номи билан аталувчи хиёбон ёки ижод мактаби ташкил қилишга раҳнамолик қилишлари, хусусан Ибрат номини абадийлаштириш билан боғлиқ мазкур мажмуани ташкил қилиниши шахсан ўзларининг ҳам Ватан тараққиёти, халқнинг маънавий юксалишига бутун умрини бағишлаган тарихий шахсларни улуғлаш борасида бошқаларга ўзлари ибрат бўлаётганликларини ҳам кўрсатади;

**Ва ниҳоят тўртинчидан,** Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг меросини чуқур ўрганиш ва уни халққа тўлалигича етказиш борасида белгилаб берган вазифа, амалий йўл-йўриқларини биз зиёлилар, тадқиқотчилар, олимлар маърифатга даъват, яъни Исҳоқхон тўра Ибратнинг маърифатпарварлик фаолиятини атрофлича ўрганиш, тадқиқ қилиш ва халққа етказиш борасидаги доимий кўрсатмалари сифатида қабул қилишимиз тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Республикамизнинг етакчи олимлари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Ибрат меросини теран ва атрофлича ўрганишда, уни халққа тўлалигича етказишда яна бир муҳим қадам бўлади.



**Туркистон вилоятининг газети №48, 23 июнь 1913  
йил.**

**История древнего города Ахсы в Ферганской  
области. (Фарғона областидаги қадимги Ахси  
шаҳрининг тарихи).**

Фарғона ўбластида қадимги замонларда пойтахт бўлиб турган Ахси ёки Ахсикат деган катта шаҳар бўлган экан. Бул кунларда мазкур шаҳарнинг ўрни ва атрофи яхши маълумдир. Чунончи, Намангон уездига тобъе худ Намангон шаҳридин ўн беш чақирим масофада Ахси бўлостиди дарё лабиди бир неча кишлокдин иборатдур. Бул хусусда таворих китоблардин мазкур Ахсикат хусусиди хабар олиб, таворих учун бирор рисола тасниф қилмоқ лозимдур. Яъни, ул шаҳар қайси вақтда аввал мартаба бино бўлинган ва қайси хон ва беклар ул шаҳарда ҳукумат қилган ва фуқароларни маишати қаю тариқада бўлган ва ҳам қаю вақтда нима сабаблар ила ул шаҳар вайрон ва ҳароб бўлган. Ва нима учун ул жойда ҳеч ким туrolмаган. Йиқилган девор ва иморат асорати ер остига кўмилиб қолгандурму?, деб – бул муддао бирла газет ўқиғувчи зотлардин илтимос қиламизки, ҳар кимнинг қўлида ҳар-хил торих китоби бўлиб, ул китобларда Ахси шаҳри хусусиди хоҳ қисқа ва хоҳ муфассал хабарлар бўлса, биз газет муаллифига ёзиб

юбориб бизни хурсанд қилсалар. Ва лекин мазкур хабарлар бу тариқа ёзилса, чунончи: “Ахси барвазни махфий номи қасаба аст. Аз Мовароуннаҳр дар ноҳияи Фарғона аз бехтарин он билод аст (Бурҳон Қоте. 55-саҳифа). *Ахсикат Мовароуннаҳрда Сайхуннинг соҳил шарқисида бир қасаба эрди*”.

Ахсикат Мовароуннаҳрда Фарғона хаттиси доҳилида бир қасаба ўлиб сур ила муҳот қилгонликни Ёкут Ҳамавий зикр қилур. Ҳозир на ҳолда эканлигиға доир маълумотга даст рост бўлинмади. (Қомус ал-Аълам, 804 –саҳифа).

“Сайхун дарёсининг шимол тарафидаги қасабаларнинг бири Ахсидур, китобларда Ахсикат битадурлар. Чунким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқдур. Андижондин Ғарб тарафинда тўққиз тош йўлдур. Умар Шайх Мирзо мунди пойтахт қилиб эрди. Сайхун дарёси кўрғонини остидан оқадур. Кўрғони баланд жар устида воқеъ бўлибдур. Ҳандақининг ўрниға чуқур жарлар бордур.

Умар Шайх Мирзо мунди пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқорроқдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк кўрғон йўқтур. Маҳаллоти кўрғондин бир

шаръий йироғроқ тушубдур. (Даҳ кужову дарахтон кужо) мислини ғолибан Ахси учун айтибдурлар. Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовун бордурким, Мир Темурий дерлар. Андоқ қовун маълум эмаским, дунёда бўлғай. Бухоро қовуни машхурдир. Самарқандни олган маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтурдим бир мажлисда кестурдим. Ахси қовунининг ҳеч яхшилиқда ҳеч нисбати йўқ эди. Ови куши, бисёр бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашт. Кийиклари бисёр бўлур. Андижон тарафи, чангалдур. Буғу, марал, қирғовул, қуён кўб тобилур ва семуз бўлур. Ахсининг шимолида Косон қасабаси бўлиб, кичикроқ қасабадур, Ахсининг суви Косондин келур.

Ахси қўрғони баланд жар устида воқъе бўлибдур. Иморатлари ҳам жар ёқосида эди. Ушбу тарихда яъни 899-ҳижрийда душанба куни рамозон ойини тўртида Умар Шайх Мирзо жардин кабутар мисллик учуб вафот қилди. Ўттиз тўққиз яшар эрди. Валодати 860 да Самарқандда эди. Султон Абу Саъид Мирзонинг тўртинчи ўғли эди. Султон Абу Саъид Султон Муҳаммад Мирзо ўғли ул Мирзо Мироншоҳ ўғли, Мирзо Мироншоҳ Амир Темур ўғли. Умар Шайх

Мирзонинг қабри алҳол Ахсидадур. Умар Шайх Мирзодин уч ўғул, беш қиз қолиб эди. Ўғлонларнинг улуғи мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим. Менинг онам Қутлуғнигорхоним Юнусхон қизи эди”, деб.

Бу иборалар Бобурномада худ Бобурхон сўзларидир. Яна Бобурноманинг 29 - ва 40 - саҳифаларида ёзадурким, “...Бир икки кундин кейин Кандирлик довони ила Ахси ва Андижонга азимат қилдим. Ахсига етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим. Ахсидан намоз жумани вақтида чиқиб, Бандсолур йўли ила Андижонга кирдим...”, деб.

Тарихи Рашидийда ёзилгонига қараганда Ахси шаҳрининг аввал биноси мўғул хонлари тарафиндин бўлиб, 890-900 - ҳижрий тарихида Амир Темур авлодларидан Умар Шайх Мирзо ва Шайбонийхон авлодларидан Жонибекхонга Ахси шаҳри бир неча вақт пойтахт бўлиб, бу шаҳарда ҳукмронлик қилган экан. Ўшал асрларда ғоятда ободонликда экан. Кўп замонлар Кошғар вилоятида ҳукмронлик қилган мўғул хонларидан Султон Абу Саидхон ҳам тарих ҳижрийнинг 918-саналарида Ахси ва Андижонда бир неча вақт ҳукмронлик қилиб, Абдуллохон ўзбек Самарқанд ва Бухоро ва Фарғонага истило қилгондин



кейин Султон Абу Саидхон кўп аскар ила Кошғарга бориб, тамом товобиъот Кошғарни олиб, 939-йилгача ҳукмронлик қилибдур.

Ахси Мовауннаҳрда Жайхуннинг (Сайхуннинг) соҳил шарқида воқъе бир шаҳар эди. Ахсикат Мовауннаҳрда Фарғона хаттиси доҳилида бир шаҳар бўлуб, сур ила муҳот ва боғ ва боқчалари кўб ўлдиғи ул ердан бир кўб машҳур уламо зухур этдигини Ёқут Ҳамавий айдиюр. Эмдиги вақт не ҳолда бўлдиғина доир маълумот йўқдур. Ахси торихини Ёқут Ҳамавий ном китобда батафсил ёзгондур. Алҳол Ахси шаҳри ўрнида: Ахси-Жанжал, Найманча, Шаҳидон, Хўжанд-Қозоқовул, Қўшқайроғоч-Бординкўл, Чорбоғ, Калқишлоқ - Бурамагут, Мозоркўҳна, Шаҳант, деган қишлоқлари бордур. Катта кўрғон ва Аркни асорати мавжуддир.

Тарих Эски Ахси “Маноқиб и рисолаи Ҳазрат Лангарбобо Азизий”дин шул тариқа ёзилибдур: “Ахсикантни увло биносини Эрон подшоҳи Нўширавони Одил бино қилгон экан. 521-тарих мелодийда Нўшервон ўғли Хурмуз подшоҳ Ахсини неча вақт пойтахт қилиб анда ҳукумат суруб, сўнгра 1233-мелодийда Сирдарё катта тошган вақтида бир

зилзила бўлиб, дарёнинг суви Ахсини биёбонига чиқиб кетгон экан. Анда бузулуб хароб бўлган экан. Аммоки аввалги ободлигида иморатлар икки - уч қабат хиштдин бинолар бўлиб, шаҳар интихоси Косонгача боруб, Косон ила Ахси ўртаси қирқ чақиримлик йўл ҳаммаси иморат, бозор бўлган экан. Ҳаттоки бир эчки Ахси томида юрмак бўлса, то Косонгача борур экан, том устидин юруб. Ҳаммомлар, мадрасалар, саройлар, ер тагидин юрадургон сув кубирлари кўп таажжублик нимарсалар ҳозир ҳам кўриниб турадур. Ҳозирда Ахси икки ерда бўлиб, бирини Эски Ахси бирини Янги Ахси дерлар. Яъни, Янги Ахси Эски Ахси бузилгандин сўнг қолган одамлар дарёдин қочиб Косон тарафида баландлик биёбонга иморатлар қилиб кўп қишлоқ бўлганлар. Ҳозир Янги Ахсида ўн икки қишлоқ Шаҳанд деган бозорлик бир қишлоқ ила бир болуст бўлган. Аммо Эски Ахси кўҳна сол одамлар оғзидаги сўзлари кўп ажиб ва ғариб сўз сўзлайдурлар. Аларни олмай маноқибдин ёзилди. Эски Ахсини бузулган тарихи 1030 - милодийда бўлгон экан<sup>2</sup>. Андин буён мазкур

---

<sup>2</sup> Аслида Ахси зилзиласи ҳижрий 1030 йилда содир бўлган. Мазкур санани милодий йилда, деб берилиши ўша даврдаги нашриётнинг

Ахсини ҳеч подшоҳлардин ёки фуқаролардин обод қилгон йўқ. Дехқонлар ва ўтинчилар ҳар хил нимарса топиб олурулар. Чунончи, мис асбоблар ва шишалар, ҳар хил тошлар чиқодир. Кўп ерлари дарёга кетгондир алҳолда ҳам иморатларга аксари хиштларни андин олурулар.

*Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев.*

---

хатоси ҳисобланади. Чунки, Исҳоқхон тўра Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида (Тошкент: Маънавият, 2005.-Б.35) бу воқеани хижрий 1030 йилда деб, кўрсатиб ўтган.

ترکستان ولایتی نینک سیتی

ВЫХОДИТЬ ПО ДВА №№ ВЪ НЕДЕЛЮ.

هفته ده ایکی موبته دین سرتبه زبائنده با سیلب چقادور

А ДРЕСЪ:

Ташкентъ, Типографіа при Кашакаріа Туркестанскаго Генералъ-Губернатора.

№ 52

۲۱ نچی نومر

Цѣна за годовое изданіе: Для импортируемаго подписчиковъ съ пересылкой...
Цѣна за объявленіе: На первой страницѣ 20 к. за одну строку...

سخنوت یتاسی
باغه ههز اوچون بوچه خولماشی
برای لیک ۲ سوم
برای لیک ۱ سوم

7-го июня 1913 года

Сорокъ четвертый годъ изданія.

بول كرت ۴۴ نچی بدین بولان شمل با سیلابور.

۷ نچی ایولده ۱۹۱۳ یلده

واق من قیسی طرفه ایلان مکتب خانه تی
یتا یولماق ایلیغ نه حرکت و کوشش قیلسنکر
واشی دورمل دیب عیجی رقیلیک برکوار

Имя Коммиссара убого.
Къзит که باصاقتہ التماس قیلب اداریہ
خانه میزکه فرغانه ابراشی خوقته اوپوزدیقه

عهد نامه
برلرکم تونانده قول قوشویجی قترا لکر
دهم مهر باصقوی ایلیکلشی ایلدورمیز

Объ открытіи въ Ассамблеи коллегіи рус. туз. школы.
Хрمتلو ترکستان ولایتی سکرتیزی
نی مؤللی خدمت لازمه لوتونوب التماس

برلر سیکه بولومشی دانی چهامه قترا
لاری ای آرا لایمیزغه ازیرای به لاری میزلی
لوتونوب ایرون نیکی دین بر عدد اوردومچه

مکان فی اینک بیان جایرغه خدایحق
قزلی لیم فی اما الخسیکت ده کریم دین
باغقه توفولما بدور (معصم البلدان انجمنی

فرغانه ولایتی ده بر شهرتیک نامی دور شاه
دریاسی نینک لیله نیکس برده و دریا نینک
شمال طرفه واقبولوب ههرا به تاغ نینک موبه

مکان فی اینک بیان جایرغه خدایحق
قزلی لیم فی اما الخسیکت ده کریم دین
باغقه توفولما بدور (معصم البلدان انجمنی

کراسنی کویست کسل
خانه سی نینک

دوستوری یتیربووخ شهر بدین شهر جمعیتی لی
دوستوری دایه لیک دارالقندون دوستوری

گار نیشتمین

اعلام قیلادورسکیم هرخیل جراح ایک
خاتونلر کسل بویرکن بولکن کسل و آک کفن
پولدن کسل لارکا و باغقه کسل لاری کوردور

مکان فی اینک بیان جایرغه خدایحق
قزلی لیم فی اما الخسیکت ده کریم دین
باغقه توفولما بدور (معصم البلدان انجمنی

**Туркистон вилоятининг газети № 52, 7 июль, 1913  
йил.**

**История древнего города Ахсы в Ферганской  
области.**

Хулоса таржимаси: “Ахсикат Мовароуннаҳрда Фарғона вилоятида бир шаҳарнинг номидур. Шош дарёсининг лабида текис ерда ва дарёнинг шимол тарафинда воқъе бўлиб, шаҳар ила тоғнинг миёнаси бир тошлик йўлдур. Мазкур шаҳарнинг атрофида кўрғон ва боғотлар бўлиб, катталиги уч тош масофасида экан. Арк кўрғонидин бошқа иморат ва боғотлар атрофини ҳам кўрғон девор ила ихота қилинган экан. Ичкари кўрғонда тўрт дарвоза бор экан. Шаҳар боғларида ариғлар ва оқар сувлар ва ҳовузлар ва боғ-бўстонлар бир тошлик масофағача дарахт ва оқар сувлари муттасил бўлуб, Фарғонанинг энг яхши ва хуш мева ва обод вилоятларидан экан. Ул шаҳар тўртинчи иқлим ичинда бўлиб, узунни тўқсон тўрт ( $94^{\circ}$ ) даража, эни ўттиз етти ярим ( $37,5^{\circ}$ ) даража экан. Бу шаҳардин кўб аҳли илм, аҳли одаблар чиқиб, алардан баъзилари Абулвафо Муҳаммад бин Абул-Қосим Ал-Ахсикатийдур. Ўз вақтида луғат ва тарихга ғоят олим ва моҳир эканлар. 520-нчи йилда вафот қилибдурлар. Бу зотнинг биродари Абу Рашод Аҳмад

бин Абул Қосим. Бул зот ҳам адиб, фозил, шоир эканлар. Ҳар икковлари охир умрларида Марвда истиқомат қилиб ўшал шаҳарда вафот қилибдурлар. Аҳмад ўз шаҳарлари бўлган Ахсикатни арабий шеър ила таъриф қилган эканлар.

Мазмуни ушбудур:

Маконнинг энг ёмон жойиға  
Худо халқ қилади лайимни.  
Аммо Ахсикатда  
Каримдан бошқа туғулмайдур.

(Муъжам ул-булдон 1-инчи жилд)

*Муллахонжон қори қози*

Биз ушбу газет муаллифи бир жойда суҳбатда ўлтирган вақтда Пискенд қозиси муҳтарам Муллахонжон қори қози илан ўлтуруб, аснои суҳбатда Ахсикат хусусида савол қилган эдим. Ул жаноб Ахсикат шаҳри ахборотини муфассал ёзиб юбораман, деб ваъда қилган эдилар. (Ман ваъда фавофо) (ким ваъда қилса вафо қилсин) мазмунича юқорида зикр бўлгон Ахсикат хусусидаги хабарларни ёзиб юборибдурлар. Ул жаноб фаромуш қилмасдин ийфоъ ваъда айлаб ёзиб юборганлариға ғоятда хурсанд ва фараҳманд бўлиб, ўз тарафимиздин ул зотлариға газит орқали миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.



**Туркистон вилоятининг газети № 53, 11 июль 1913  
йил.**

**История древнего города Ахсы в ферганской  
области.**

**Фарғона музофотининг Наманган уези Чуст  
участкасига қарашли Шаҳанд бўлистига тобъе  
жойда воқъе бўлунмиш Ахси деб ном чиқорган  
қадимги эски шаҳарни хусусида.**

Ахси деган бир машҳур шаҳардурким, Сайхун  
наҳри лабида бир шуҳрат топиб ном чиқарган ва ушбу  
замонларда вайронликка мубдал бўлинган шаҳардир.  
Мазкур Ахси деган шаҳар бул тарихдан тахминан  
минг йил муқаддам вақтларда Карвон бахш ном  
подшоҳни асрида мавжуд бўлунган шаҳар экан.  
Мазкур Карвон бахш подшоҳдан бир қиз фарзанд  
Биби Обида ном вужудга келган. Ва мазкур Биби  
Обида ҳад балоғатга етганда подшо Нуширавон  
Одилга завжияликка берганда бир неча фурсатлардан  
сўнгра мазкур Нуширавон Одилдан бир нафар ўғил  
фарзанд таваллуд топганда мазкур ўғил бола номини  
Хурмуз ном кўйилибдур. Лекин мазкур Ахси деган  
шаҳар ўшал асрда кўп ҳаддан фазун ободон ҳолатида  
Ҳазрат бори таъало ва тақаддасни ҳикмати ҳам  
иродаси илан офати самовийсига дучор бўлуниб, тоқ  
равоқ иморатлари бузулиб, вайронлик аҳволотга  
тушуб ва мардумлари ҳалокатга дучор бўлуб ва



баъзилари атроф жавонибларга тарқаб, мутафарриқа бўлушиб, кетганлари важҳидин мазкур вайроналикка мубдал бўлинган Эски Ахсини атроф жавониблариға тубанда номлари баён бўлиб ёзилган 15 адад катта қишлоқлар мавжуд ва обод бўлунгандур.

Ва лекин Эски Ахси шаҳрини асли биноси қаю замонларда ва қаю вақтларда бино бўлинганлиги маълум эрмас. Мазкур 15 адад янгидан бино бўлган қишлоқлар икки юз йилни орасида барпо бўлган экан. Мазкур қишлоқлар ҳам ғоятда ободон, хуш ҳаво ва мевалари ниҳоят даражада серҳосил ва заминлари сероб экан. Ва мардумлар ҳаммалари соддадил эканлар. Ва мазкур вайрон бўлган Эски Ахсини ўрниға, янгидан барпо бўлинган 15 адад қишлоқларни номлари ушбу тубанда ёзилмишдир. Чунончи, 1)Биринчи янги Ахси қишлоқ; 2)Иккинчи Жанжал; 3)Учинчи Найманча; 4)Тўртинчи Лангарбобо; 5)Бешинчи Ёндама; 6)Олтинчи Шоҳидон; 7)Еттинчи Резок; 8)Қозоқовул; 9)Тўққизинчи Қўшқайроғоч; 10)Ўнинчи Бордумкўл; 11)Ўн биринчи Чорбоғ; 12)Ўн иккинчи Кал; 13)Ўн учинчи Бураматут; 14)Ўн тўртинчи Мозоркўҳна; 15)Ўн бешинчи Чағир тўқай.





**Туркистон вилоятининг газети № 55, 18 июль 1913  
йил.**

**История древнего города Ахсы в ферганской  
области.**

Муҳтарам Ахси қозисини Юсуфхон воситаси илан юборилган Ахси шаҳри ҳаробаларидан топилган бир адад эски кумуш танга хусусида. Ул эски кумуш тангани ичида бир тарафида хоқон бин ал-хоқон зараба Навруз Аҳмадхон деб ва бир тарафида калимаи шаҳодат хатти куфий илон ёзилгон экан. Тўрт бурчагида чаҳорёр номлари ҳам бор экан. Тарих 966 (1559 милодий сана-Т.Қ.) ёзилган экан. Бу тарихда Наврўз Аҳмадхон Бароқхон лақаблик Тошкент шаҳрида хоқон лақаб ила Шайбонийхон авлодидан бири бир неча вақт хонлик қилиб Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ўшал асрда анга тобъе экан.

Тошкентда мадрасаи Бароқхон ном ила машҳур бир мадрасаси ҳам бордур. Самарқандда Хусравхон вафот қилгондин кейин Бароқхон пойтахтни Самарқандга олиб бориб охири умриғача Самарқандда ҳукмронлик қилиб, вафот қилгондин кейин Самарқандда Ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали мақбараларини ёнига дафн қилинибдур. Бароқхон бин Севинчхўжахон бин Абулхайрхон. Бароқнинг хонлик асри

Убайдуллоҳхон бин Маҳмудхон бин Шоҳбудоғ бин Абулхайрхон вафотидин сўнгра анинг ўрнига хон бўлган. Ул хонларнинг замонида хонликни валиаҳдлиги етгон ва улфат ва иттиҳод ва хифзи қувват учун, деб амакибаччалар ва биродарларни ёши каттасини риюя қилиб ва валиаҳдликни анга берур эканлар. Бароқхоннинг отаси ўзбек хонларидин бўлса ҳам, онаси Амир Темур авлодидин Улуғбек Мирзонинг қизи экан.

Бароқхондин кейин ўғли Бобохон Тошкандда отасига ворис мамлакат бўлди. Халқ орасида Тошканддаги мадрасаи Бароқхон ва мадрасаи Кўкалтош бир вақт ва бир асрда бино бўлган, деб айтур эдилар. Лекин тарих иборатига қараганда Бароқхон мадрасаи Кўкалтош бонийси Қулбобо Кўкалтошдин бир неча йил муқаддам ўтган бўлса керак. Чунки, Бароқхон ўз вақтида мустақил подшоҳ бўлган экан.

Аммо Қулбобо Кўкалтош Абдуллахоннинг биродар ризоиси ўзбек луғатича Кўкалтош дер эканлар. Абдуллахоннинг ҳукмронлиги Бароқхондин кейин 985 (1577) инчи йилдан бошлаб ҳукмронлик қилиб, Қулбобо Кўкалтош Бухорода тим ва Чоҳорсу

бино айлаб 987 (1579) инчи йилда Тошкандда ҳам  
Кўкалтош ном бир мадрасани олий бино қилгондур.  
Алҳол мазкур мадрасани вақфи кам бўлса ҳам  
мударрисларни саъйи ва ихтимомлари илан хўб  
ободликдадур.

## **Ибрат – Ахсикент тадқиқотчиси**

Исҳоқхон Жунайдуллоҳўжа ўғли Ибрат илм-фаннинг жуда кўп соҳаларида қалам тебратган бўлса-да, Ватан тарихи соҳасидаги изланишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, олимнинг Фарғона водийси шаҳарлари, хусусан Ахсикент тарихига оид илмий тадқиқотларини ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги кун тарих фани олдида турган баъзи ноаниқликлар ва муммоларни ҳал қилишда аҳамиятлилиги билан ажралиб туради.

Ибрат қадимий Ахсикент шаҳри ҳақида ўша даврда машҳур бўлган “Туркистон вилоятининг газити”нинг 1913 йилги сонларида эълон қилган мақолаларида ва “Тарихи Фарғона” асарида маълумотлар бериб ўтган.

Ибрат Ахсикент тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослигига имкон қадар кенг тўхталиб ўтган. Шунингдек, газета саҳифаларидаги мақолалари орқали Ахсикент ёдгорлигининг ўша даврдаги чизмасини бериши ҳам бугунги кунда ўзининг алоҳида аҳамиятига эга.

Мазкур китобда олимнинг Ахсикент тарихига оид изланишларини атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат

қилинди. Исҳоқхон Ибрат Ахсикент хусусидаги ўз фикрларини, тадқиқотларини баён қилар экан, ҳозирги Эски Акси ёдгорлиги хусусида фикр билдираётганлигини маълум қилиб ўтган. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу даврда фанда кейинчалик пайдо бўлган ғайриилмий “Янги Акси” тушунчаси ҳали йўқ эди. Бугун Ибратнинг маълумотлари айнан, шуниси билан ҳам аҳамиятлидир.

Ибрат ёзади: “Фарғона ўбластида қадимги замонларда пойтахт бўлиб турган Акси ёки Ахсикат деган катта шаҳар бўлган экан. Бул кунларда мазкур шаҳарнинг ўрни ва атрофи яхши маълумдир”<sup>3</sup>. Ушбу сўзларни “Туркистон вилоятининг газети”нинг 23 июнь 1913 йилги 48-сонида берар экан, аввало Заҳириддин Муҳаммад Бобур келтириб ўтган “...Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битарлар... Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар...”<sup>4</sup>, сўзини яна бир қарра тасдиқлаб, Акси,

---

<sup>3</sup> Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Акси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8.



Ахсикат, Ахсикент битта маконга нисбатан айтилаётганлигига ишора қилмоқда.

Олим шаҳар тарихига оид рисола битишни ният қилганлигини изҳор этар экан, газета ўқувчиларига Ахси шаҳри ҳақида кимда қандай маълумотлар борлигини, шаҳар дастлаб қачон вужудга келгани, қайси хон ва беклар ҳукмронлик қилгани, аҳолининг турмуш тарзи қандай бўлгани, каби саволларига жавоб топиш мақсадида ҳамда шунингдек, шаҳарнинг вайрон бўлиш сабаблари ҳақида ўз билганларини ёзиб юборишларини илтимос қилиб, мурожаат қилган.

Шу билан бирга маълумотлар қай йўсинда берилиши лозимлигини ҳам намуна сифатида кўрсатиб беради. Масалан, Ёқут Ҳамавий, Бурхон Қоте, Бобур каби олимларнинг “Қомус ал-Аълам”, “Бобурнома” сингари асарларидаги тарихий-илмий маълумотлардан иқтибослар келтирган.

Олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бир-икки кундин сўнг Кандирлик добони била Ахси ва Андижон сари азимат қилдим. Ахсиға етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим”<sup>5</sup>, сўзларини келтириш билан мазкур

---

<sup>5</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.- Б.32.

даврда Умаршайх Мирзонинг қабри ҳозирда Эски Ахси, деб аталадиган маконда эканлигини таъкидламоқда.

Биринчи мақолада берилган “...890-900 - хижрий тарихида Амир Темур авлодларидан Умар Шайх Мирзо ва Шайбонийхон авлодларидан Жонибекхонга Ахси шаҳри бир неча вақт пойтахт бўлиб, бу шаҳарда ҳукмронлик қилган экан...”, деган маълумотнинг ўзиёқ, айнан бугунги Эски Ахси ёдгорлигида юқорида номлари зикр қилинган Умаршайх Мирзо ва Жонибек Султонлар ҳукмронлик қилганлигига аниқлик киритади. Бинобарин, бундан Умаршайх Мирзо ҳеч қандай “Янги Ахси” шаҳрини барпо этмаганлиги аён бўлмоқда.

Ибрат мақолалари орқали ўша даврдаги ўлчов бирликлари ҳақида ҳам тушунчаларга эга бўлиш мумкин. Масалан, “Бобурнома”да берилган “Йиғоч”<sup>6</sup> узунлик ўлчов бирлигини Ибрат “Тош”, деб атайди. “...Андижондин Ғарб тарафинда тўққиз тош

---

<sup>6</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.- Б.8.

йўлдур...”<sup>7</sup>. бундан йиғоч ва тош ўлчов бирликлари бир хил қийматга эга эканлиги маълум бўлади.

Аллома мақолаларида Ахсида қадим замонларда уйлар 2-3 қаватли бўлганлигини, ҳаммом, мадрасалар, сарой ва ерости сув қувурлари мазкур даврда ҳам кўришиб туришини ёзиб қолдирган.

Ибрат мақолаларини таҳлил қилиш орқали кейинчалик пайдо бўлган “Эски” ва “Янги” Ахси масалаларига ҳам ойдинлик киритиш имконияти туғилади. Ибрат ёзади: “...Ҳозирда Ахси икки ерда бўлиб, бирини Эски Ахси бирини Янги Ахси дерлар. Яъни, Янги Ахси Эски Ахси бузилгандин сўнг қолган одамлар дарёдин қочиб Косон тарафинда баландлик биёбонга иморатлар қилиб кўп қишлоқ бўлганлар. Ҳозир Янги Ахсида ўн икки қишлоқ Шаҳанд деган бозорлик бир қишлоқ ила бир болуст бўлган...”<sup>8</sup>.

Шу ўринда “Янги Ахси” тушунчаси қачон пайдо бўлганлигига изоҳ бериб ўтиш жоиз кўринади. Маълумки, 1876 йил Қўқон хонлигидаги халқ

---

<sup>7</sup> Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.

<sup>8</sup> Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.

ҳаракати шафқатсизларча бостирилгач, унинг барча ҳудудлари руслар томонидан босиб олинди. 1876 йилнинг 19 февралида император Александр II нинг фармони билан хонлик тугатилди ва унинг ўрнида Фарғона области ташкил этилди.

Фарғона области дастлаб етти уездан ташкил топган эди. Бироқ кейинчалик Чуст ва Чимён уездлари қисқартирилди. Шундан кейин область таркиби бешта уездан (Қўқон, Наманган, Скобелев, Андижон ва Ўш) иборат бўлиб қолди. Унинг таркибида 91 волость ёки 613 қишлоқ жамоалари мавжуд эди<sup>9</sup>. Ушбу волостлардан бири Наманган уездининг Чуст участкасига қарашли “Ахси-Шаҳанд” волости эди. Ибрат домла ёзганидек, “Янги Ахси” тушунчаси Ахсикент зилзиласидан 100-200 йил кейин (айрим тадқиқотчилар даъво қилганидек, теурийлар даврида эмас) пайдо бўлган. Зилзиладан сўнг, омон қолган аҳоли шимол тарафга, яъни Косон тарафга кўчиб кетиб, баландик биёбонлар устида иморатлар солиб, қишлоқлар бунёд этади. Ана ўша қишлоқлар бир сўз билан “Янги Ахси”, дейилади. Ибратнинг бу фикрлари

---

<sup>9</sup> Касымбеков К. Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX-начале XX века. Т.: Фан, 1978.-С.10.

“Бобурнома” даги “Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур”<sup>10</sup>, сўзларига айнан монанддир. Яъни, омон қолган аҳоли ана ўша дашт тарафига кўчиб ўтган эди. Мақолада санаб ўтилган қишлоқлар “Ахси-Шаҳанд” волостига бирлаштирилган бўлиб, Шаҳанд қишлоғидан туриб бошқарилган. Ибрат билан бир даврда яшаган И.А. Кастанье Эски Ахси ёдгорлигини тадқиқ этган вақтида шаҳандлик Абдуқаҳҳор Эшмуҳаммедов “Ахси – Шаҳанд” волостининг бошқарувчиси эди<sup>11</sup>. Олим ўз асарида унинг фикрларидан фойдаланганлигини келтириб ўтган.

Ибратнинг мақолаларида берилган маълумотлар яна шуниси билан ҳам қимматлики, олим оғзаки маълумотларга таяниб қолмайди. Асосан, бирламчи манбааларга асосланиб тадқиқотни давом эттирган. “...одамлар оғзидаги сўзлари кўп ажиб ва ғариб сўз

---

<sup>10</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8.

<sup>11</sup> Шаҳандлик волост бошқарувчиси Абдуқаҳҳор мингбоши ҳақидаги маълумотлар хорижлик тадқиқотчи Э.Аллвортнинг “Жадидлар ҳақида яширинган ҳикоятлар” мақоласида ва Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш урунишлари” асарида берилган.

сўзлайдурлар. Аларни олмай маноқиб<sup>12</sup>дин ёзилди...”<sup>13</sup>.

Ибрат Ахси зилзиласига муфассал тўхталган. “1030 ҳижрийдаги зилзилада Ахсикент бузулган. Зилзилада Андижон ҳам бузулган эди...”<sup>14</sup>.

Бугунги кунда Фарғона водийси архитектура ёдгорликларига эътибор берилса, аксарият иморатлар асосан XVII-XVIII асрлардан кейинги даврларга мансублиги аён бўлади. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби X-XII асрларга оид меъморий иншоотлар кам учрайди. Аллома асарларини ўрганиш асносида, бу саволларга ҳам жавоб топилгандек. Сабаби, Ахсикент вайрон бўлган вақтда айнан, Андижонда ҳам зилзила бўлганлиги таъкидлаб ўтилган. Шу билан бирга, Ахси зилзиласидан кейин харобазорга айланган шаҳар ҳолатини ҳам олим баён этиб кетган, яъни: “...Андин буён мазкур Ахсини ҳеч подшоҳлардин ёки фуқаролардин обод қилғон йўқ.

---

<sup>12</sup> Маноқиб – тасаввуф шайхлари, авлиёларнинг гўзал хислатлари, сифатлари мадҳ этилган асар.

<sup>13</sup> Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.

<sup>14</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.-Тошкент: Маънавият, 2005.- Б.35.

Дехқонлар ва ўтинчилар ҳар хил нимарса топиб олурулар. Чунончи, мис асбоблар ва шишалар, ҳар хил тошлар чиқодир. Кўп ерлари дарёга кетгондир, алҳолда ҳам иморатларга аксари хиштларни андин олурулар”<sup>15</sup>. Демак, шаҳар zilзиласидан кейин ва хатто, XX аср бошларида ҳам у ерлардаги гиштлардан атроф чеккалардаги масжид ва мақбаралар биноси учун фойдаланилган. Бунинг исботини Жанжал-Файзиобод қишлоғида жойлашган “Мавлоно қози” мақбарасида ҳам кўриш мумкин. Мақбаранинг қибла томони деворлари айнан, ўрта асрларга оид Ахсикент гиштларидан, орқа ва ён томонлари эса XIX аср ўрталарига мансуб хом гиштлардан тикланган.

Ахси zilзиласи тафсилотларини Ибрат бирламчи манбааларга таянган ҳолда ёритиб берган. Чунончи: “Тарихи табақот ут-Тоҳирий”да мастурдурки: «Дар Фарғона zilзилаи азим воқе шуде дар санаи 1030 ҳижрий дар пойтахте Фарғона ке дар он хин Ахси буде аст. Бар наҳаж вайрон гардида ке чандин ҳазор мардумон дар зире иморат монде. Дар рўзи аввал

---

<sup>15</sup> Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, №48.-1913.-23 июнь.

беҳафтод нуубат ҳаракаташ расида то муддате шаш моҳ имтидод ёфте”<sup>16</sup>, - деган экон.

Зилзиланинг даҳшатли тафсилотлари ҳақида Эски Аҳси ёдгорлигини ўрганган олим И. А. Кастанъенинг фикрлари: “...Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан Надр Муҳаммадхонга атаб ёзилган “Ажойиб ат-табоқот” номли географик асарда муаллиф Муҳаммад Тохир ибн Абулқосим қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “...1030 ҳижрий (1620-1621 милодий) йилда Аҳси вилоятида шундай бир офат юз берди. Шундай ер қимирлаши содир бўлдики, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далаларни босиб кетди, сув билан чиқариб ташланган балиқлар типирчилади ва ўлди. Улкан дарахтлар илдизи билан қўпорилиб, ерга тушди. Кучли ва тез-тез ер қимирлашидан иморатлар вайрон бўлиб, кўп одам қулаган биноларнинг остида қолиб ўлди. Кўп одамларнинг қўл-оёқлари синди, ҳайвонлар қўрқинчдан далаларга қараб қочди. Бу воқеаларни кўрган покиза эътиқодли кишилар ва

---

<sup>16</sup> Таржимаси: “Ҳижрий 1035 йил Фарғонада кучли зилзила содир бўлган. У вақтда Фарғонанинг пойтахти Аҳси эди. Натижада у ерлар вайронага айланиб, бир неча минг кишилар иморатлар остида қолиб кетганлар. Дастлабки кун ер силкиниши 70 мартагача етган ва олти ойгача давом этган”. (Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.- Тошкент: Маънавият, 2005.-Б.3.)



оддий халқ орасида “қиёмат куни” ҳақидаги тахминий тасаввурлар ҳосил бўлди. Ҳар бир инсон ўз гуноҳлари учун тавба қилиб, Буюк Парвардигордан уни кечиришини сўрай бошлади. Олти ойгача зилзила шундай бўлиб турди. Масалан, биринчи куни зилзила 70 мартагача бориб етди. Шуниси қизиқки, энг қаттиқ зилзила Аҳси кўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда унча қаттиқ сезилмади. Шаҳардан бир фарсах (6-8 км.) масофада эса ҳатто, ҳеч қандай товуш ҳам эшитилмади. Асар муаллифи ушбу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган эди. Шундан сўнг турклар<sup>17</sup> томонидан аҳсилик саййид ва қози азоблаб ўлдирилиб, аҳолиси эса таланган эди”<sup>18</sup>.

Хуллас, зилзила Аҳси кўрғонининг ичида жуда кучли бўлган, атроф чеккаларда эса унинг асорати камроқ бўлган. Буни Ибрат ҳам ўз тадқиқотларида акс эттириб кетган. Шунингдек, бугунги кундаги

---

<sup>17</sup> Қалмоқлар бўлиши керак. Чунки бу даврда Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чегараларига қалмоқларнинг ҳужумлари кучайган бир пайт бўлиб, улар Бухоро хони Имомқулихон (1611-1642) томонидан қувиб чиқарилади. Муаллиф шуни назарда тутган бўлиши керак.

<sup>18</sup> Кастанье И.А. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. I. Развалины Ахсыкента.-Ташкент: Коммерческая типография Я. П. Эдельмана, 1914.-С.11,12.

археологик қазилмалар чоғидаги ҳолатлар ҳам шунга гувоҳлик бериб турибди.

Исҳоқхон Ибрат қадимда Ахсикентдан етишиб чиққан олимларнинг айримларини тилга олиб ўтган: “...Бу шаҳардин кўб аҳли илм, аҳли адаблар чиқиб, алардан баъзилари Абулвафо Муҳаммад бин абул-Қосим Ал-Ахсикатийдур. Ўз вақтида луғат ва тарихга ғоят олим ва моҳир эканлар. 520-нчи йилда вафот қилибдурлар. Бу зотнинг биродари Абу Рашод Аҳмад бин Абул Қосим. Бул зот ҳам адиб, фозил, шоир эканлар. Ҳар икковлари охир умрларида Марвда истиқомат қилиб, ўшал шаҳарда вафот қилибдурлар”<sup>19</sup>.

Мақолаларнинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, олим унда номлари зикр этилган яъни, мўғуллар босқинигача бўлган даврда яшаган ахсикатийларни айнан, ҳозирги Эски Акси ёдгорлигида вояга етганликларини таъкидлаб, Умаршайх Мирзо ҳам худди ўша шаҳарни пойтахт қилганлигини ёзиб қолдирмоқда. Бундан хулоса чиқадики, темурийлар ҳеч қанақа “Янги Акси” шаҳрини бунёд этган эмаслар. Умаршайх Мирзо ҳам айнан, IX-XII асрларда яшаб,

---

<sup>19</sup> Туркистон вилоятининг газети, 1913 йил, 7 июль, 52-сон.

ижод қилган машҳур ахсикатийлар камолга етган шаҳарни ўз давлатининг пойтахтига айлантирган.

Ибрат Ахсикент тарихини битишга киришар экан, ўз даврининг етук олимлари билан фикр алмашади. Жумладан, Пискенд қозиси Муллахонжон қори билан суҳбатлашиб, шаҳар тарихига оид барча маълумотларни ёзиб юборишини илтимос қилган. Шунингдек, у берган маълумотлардан ўз мақоласида фойдаланганлигини ҳам қайд этган.

Олим тадқиқотларида айрим масалалар хусусида камтарона ёндашув қилганлигини кўрамиз. Жумладан, Ахси шаҳрини қачон пайдо бўлганлиги масаласини куйидагича ёзади: “... Ва лекин Эски Ахси шаҳрини асли биноти қаю замонларда ва қаю вақтларда биноти бўлинганлиги маълум эрмас”<sup>20</sup>. Яъни, тарихий илмий маълумотлар етарли бўлгандагина ўзининг қатъий фикрларини бериб ўтади. Шаҳарнинг қачон пайдо бўлганлиги борасида аниқ маълумотлар йўқлигига ишора қилади. Лекин, шу ўринда ҳам айрим маноқиблардаги фикрларни келтириб ўтишни лозим

---

<sup>20</sup> Исҳоқхон Ибрат. Фарғона музофотининг Наманган уези Чуст участкасига қарашли Шаҳанд бўлистига тобъе жойда воқъе бўлунмиш Ахси деб ном чиқорган қадимги эски шаҳарни хусусида //Туркистон вилоятининг газети, 1913 йил, 11 июль, 53-сон.

топади. Ибрат мавҳум ҳолатда ташлаб кетган масалаларга кейинчалик археологлар илмий асосда аниқликлар киритишди. Яъни, шаҳарнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги III асрга тўғри келишини олим А.Анарбаев илмий асосда исботлаб берди<sup>21</sup>.

Мақолада Эски Акси вайрон бўлгандан кейин юзага келган 15 та қишлоқ бугунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, Ахсикент манзилгоҳининг шимолий тарафида жойлашган.

У Эски Аксини тадқиқ этар экан, мақолада манзилгоҳнинг харитасини бериб ўтган. Унинг аҳамияти шундаки, ушбу харита орқали бундан юз йил аввалги Ахсикент атрофидаги йўллар, қалъанинг тузилиши ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ўз даврида маҳаллий аҳоли ўз вакиллари орқали Ахсикентдан топилган топилмалар, хусусан кумуш тангаларни Ибратга юбориб туришган. Олим тангалар кимнинг замонасида ва қачон зарб қилинганлигига аниқлик киритиб беради. "...Мухтарам Акси қозисини Юсуфхон воситаси илан юборилган Акси шаҳри ҳаробаларидан топилган бир адад эски кумуш танга

---

<sup>21</sup> Анарбаев А. Ахсикент - столица древней Ферганы.-Ташкент: Тафаккур, 2013.-С.337.

хусусида. Ул эски кумуш тангани ичида бир тарафида хоқон бин ал-хоқон зараба Навруз Аҳмадхон деб ва бир тарафида калимаи шаҳодат хатти куфий илон ёзилгон экан. Тўрт бурчагида чаҳорёр номлари ҳам бор экан. Тарих 966 (1559 милодий сана-Т.Қ.) ёзилган экан. Бу тарихда Навруз Аҳмадхон Бароқхон лақаблик Тошкент шаҳрида хоқон лақаб ила Шайбонийхон авлодидан бири бир неча вақт хонлик қилиб Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ўшал асрда анга тобъе экан...”<sup>22</sup>. Бу маълумот биринчидан, олимнинг Эски Аҳси ёдгорлиги тарихи билан жиддий шуғулланаётганлигидан кўпчилик хабардор бўлганлигини билдирса, иккинчидан, у ердан топилган шайбонийлар даврига оид тангалар яна кўплаб, кейинчалик пайдо бўлган янглиш фикрларга барҳам беради.

Демак, XVI асрга, яъни шайбонийлар даврига доир тангаларнинг топилиши улардан аввал келувчи сулола темурийлар ҳам айнан шу ерда ҳукмронлик қилганлигидан далолат беради.

---

<sup>22</sup> Исҳоқхон Ибрат. Туркистон вилоятининг газети, 1913 йил, 18 июль, 55-сон.

Шунингдек, ўша даврнинг айрим таомилларига ҳам изоҳ бериб ўтган. Яъни, хонлик тахтига шайбонийлар удуми бўйича сулоланинг мўътабар ёшли вакили ўтказилиши, шу боис ҳам Убайдуллахон вафотидан сўнг, тахтга ёши улуғ Бароқхон ўтирганлигини ёзиб қолдирган.

Ибрат баъзи меъморий иншоотларнинг қурилиш санасига ҳам изоҳлар билан аниқликлар киритган. Чунончи, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси билан Кўкалдош мадрасасининг қурилиш саналари орасидаги фарқ шулар сирасидандир.

Ибрат мақоласидаги хаританинг ўзига хос аҳамияти, унда Аҳси қалъасининг умумий кўриниши, томонларининг тузилиш, атрофдаги жарларнинг баландлиги, манзилгоҳнинг умумий майдони кўрсатиб ўтилган.

Бу харита Ибрат билан айна бир пайтда Ахсикентда тадқиқот ишларини олиб борган француз олими Жозеф Антуан (Иосиф Антонович) Кастанье томонидан чизилган Эски Аҳси ёдгорлиги харитаси билан деярли бир хил.

И.А.Кастанье 1913 йилнинг апрель ҳамда июнь - июль ойларида Россия императори ҳузуридаги

География жамиятининг Туркистон бўлими топшириғига кўра, Тошкент ва Наманган уездларида тарихий-этнографик тадқиқотлар ўтказишга икки марта юборилган эди<sup>23</sup>.

Исҳоқхон Ибрат “Тарихи Фарғона”да ҳам Ахсикент шаҳрининг тарихи ҳақида қисман тўхталган. Мазкур асарни ёзиш учун эса жуда кўп бирламчи манбалардан фойдаланган. Улар жумласига Жамол Қаршининг «Тарихи мулҳиқоту-с-сароҳ», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи»), Тоҳир Муҳаммад бинни Имодуддин Сабзаворий қаламига мансуб “Тарихи табақот ут-Тоҳирий”, «Қомус ул-аълум», Абу Жаъфар Муҳаммад бинни Жарир ат-Табарийнинг «Тарихи Табарий» номли машҳур тарихий асари, «Тарихи шоҳи Жарир» ва бошқа манбаларни киритиш мумкин.

Ибрат нафақат манбашунослик балки, нумизматика билан ҳам шуғулланганлиги маълум. Мисол учун, Ахсикентдан топилган тангалардаги ёзувларнинг ўқиб берган. Шунингдек, Сафед Булон зиёратгоҳидан топилган олтин, кумуш ва мис

---

<sup>23</sup> Кастанье И.А. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. I. Развалины Ахсыкента.-Ташкент: Коммерческая типография Я. П. Эдельмана, 1914.-С.1,2.

тангаларни ўрганиб, ўзининг «Жомиъ ул-хутут» номли ёзувлар тарихига бағишланган асарида тасвирлари билан чоп эттиради.

Ибрат Фарғона водийси шаҳарлари тарихи хусусида фикр билдирад экан, Ахсикентдан бошқа шаҳарлар ҳам маълум бир даврларда пойтахт вазифасини ўтаганлигини ёзади. Жумладан: “Қубони Қубод ўзи бино қилган экон. Фарғона пойтахти ул вақтда Қубо экон. Ва баъзи вақтларда Ахсикент пойтахти бўлгон экон...”<sup>24</sup>.

Алломанинг асарларида келтирилган Фарғона водийсининг умумий тарихига оид маълумотлар ҳам қимматлидир. Масалан, Исломдан аввалги даврларда Қува шаҳрининг пойтахт бўлганлиги, у ерда Хушдод исмли шахс подшоҳлик қилганлиги, аҳолининг эътиқоди мажусийлик асосида бўлганлиги, шу даврларда Ахсида Хурмуз, Косонда эса Ихшид подшоҳлик қилганлигини ёзган эди. Ахсини араблар томонидан эгаланиши арафасида Ахсининг ҳукмдори Хурмузга араблар таслим бўлиш ҳақида нома киритганликлари, лекин подшоҳ буни рад этгач, Акси

---

<sup>24</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.-Тошкент: Маънавият, 2005.- Б.2,4,5.



атрофларида икки кун жанг бўлганлигини, учинчи кун эса араблар шаҳарни олиб, Ҳурмузни қатл қилиб, сўнгра Косон томонига отланганликларини ёзади.

Фарғона ҳижрий 96-97 йилларда Имом Қутайба бин Муслим даврида фатҳ этилиб, сўнгра Ислом дини кириб келганлигини баён этган эди. Шунингдек, худди Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртимиздан етишиб чиққан олимлар хусусида ўз асарида фахр билан маълумотлар берганидек, Ибрат ҳам жумладан, «Ҳидояи шариф»нинг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний, Сўфийуддин Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Қубодий, Асириддин Ахсикатийнинг шогирди бўлган Рукниддин Қубойи, машҳур уламолардан амир ул-имом шамс ул-миллати ва-д-дин Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Қубодий ва бошқаларни санаб ўтган<sup>25</sup>.

---

<sup>25</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.-Тошкент: Маънавият, 2005.- Б.2.

## **Ибратнинг Ахсикент тарихи бўйича тадқиқотларининг Ватан тарихшунослиги учун аҳамияти**

Исҳоқхон Ибратнинг Фарғона водийси асосан, Ахсикент шаҳри тарихига оид қарашлари ғоятда аҳамиятлидир. Аввало Ислом дини кириб келиши арафасида Фарғона водийсида кечган тарихий жараёнлар ўзига хос тарзда баён этилган.

Олим қолдирган илмий мерос орқали тарихий адабиётларда учрайдиган айрим чалкашликлар ҳам ўз ечимини топомқда. Масалан, “Бобурномада” тасвирланган “Банди Солор” йўли асл матнда “Бандсолур” шаклида эканлигини Ибратнинг мақолалари орқали аниқланди. Шу билан бу йўл ўтган ҳудуд, йўналишга ҳам аниқлик киритиш имконияти пайдо бўлди. Яъни, бу йўл Ахси ва Андижон орасида, масофаси 9 йиғоч эканлиги ва ҳ.з. Ахсикент тарихи билан шуғулланаётган олимлар мазкур йўлнинг қаердан ўтганлиги бўйича изланишлар олиб бордилар. Бироқ бошқа бирон бир манбада бу жой номига дуч келинмади. Масалага Исҳоқхон Ибратнинг “Туркистон вилоятининг газити”даги Ахсикент ҳақидаги мақолалари тадқиқ этилганда ва “Бобурнома”нинг асл араб ёзувидаги матнини кўздан

кечирилгандагина аниқлик киритилди. Йўлнинг номи асл матнда “Банди Солор” эмас, “Бандсолур” шаклида битилган экан. Нашрга тайёрловчилар араб ёзувидан ўгиришда хатоликка йўл қўйганлар.

Қадимда Ахсидан Сирдарё кўприги орқали ўтилиб, ҳозирги Андижон вилоятидаги Балиқчи, Чинобод, Олтинкўл йўли билан Андижонга борилган. Бандсолур йўли Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб ўтган. Топонимикада номланишни аввало, маҳаллий тилдаги сўзлардан излаш лозим. Бандсолур сўзи айнан, ўзбек тилидан олинган бўлиб, дарё, анҳор, сойлардан банд солиш йўли билан сув чиқариш, деган маъноларни англатади. “Банд” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да жумладан шундай таъриф берилган: “**Банд** – тўсиқ, ғов; тўғон, Банд солмоқ”<sup>26</sup>. Энди мазкур йўлнинг географик тузилишига эътибор қаратсак, масала янада равшанлашади. ***Биринчидан***, Сирдарё шарқдан ғарбга қараб оқади. Дарёнинг шимол тарафи юқорилаб боради, жанубий тарафи эса нишаброқ ҳолатни акс эттиради. Бундай ҳолатда чап қирғоқдаги экин

---

<sup>26</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.-Б.78.

ерларини суғориш учун Сирдарёга банд солиш йўли билан сув чиқариб, ерлар суғорилган. Шу боис ҳам бу йўл банд соладиган йўл, яъни “Бандсолур” йўли, деб аталган. Иккинчидан, Ахсидан Андижонга бориш-келиш учун ҳам чап қирғоқ масофа жихатидан яқин туради. Шу боис, Бобур Тошкентдан келаётганида Ахсига кириб отасининг мазорини тавоф қилганлигини, ундан жума намози вақтида чиқиб, Бандсолур йўли орқали Андижонга шом ва хуфтон намозлари орасида етиб келганлигини, бу йўл тўққиз йиғочлик масофа эканлигини ёзган\*.

Бобурномада 1499-1500 йиллар воқеаларининг ёритилиши асносида яна бир қарра Бандсолур йўли тилга олинган. Шу даврда Аҳмад Танбал Тошкент хони Султон Маҳмудхондан мадад сўраган эди. Хон ўғли Султон Муҳаммад Хоникани (Султоним номи билан машҳур бўлган-Т.Қ.) бек атқаси Аҳмадбек билан биргаликда 5-6 минг кишилик қўшин билан Косонни қамал қилиш учун Аҳмад Танбалга ёрдамга

---

\* Йиғоч - узунлик ўлчови 5985 м., баъзи жойларда 8-9 км. га тенг. Исҳоқхон Ибрат “йиғоч” ўлчов бирлигини “тош” ҳам деб атайдди. Айни пайтда “йиғоч” фарсанг ёки фарсахга тенглаштирилади.

юборди. Улар Косонни қамал қилганлигининг хабари келган пайтда, Бобур Андижонда эди.

“...Андижондин Бандсолур йўли била Султоним била Аҳмадбекнинг устига отландук. Кечаси ҳеч ерда турмай, тун қотиб сабоҳи Ахсига туштук...”<sup>27</sup>.

XX асрда тарих фанида пайдо бўлган, Фарғона водийсининг мўғуллар томонидан босиб олиниши, вайрон қилиниши масаласи Ибрат тадқиқотларида учрамайди. Агар мўғуллар босқини Фарғона водийсида Совет давридаги айрим адабиётларда ёритилганидек амалга ошганида эди, бу ҳақда ёзма-тарихий манбаларда маълумот берилган, воқеалар жараёни эса ёритиб ўтилар ва албатта, Исҳоқхон Ибратдек забардаст олим, араб ва форс тилларининг чуқур билимдони ҳам бу мавзунини четда қолдирмаган бўлар эди. Айни пайтда темурийлар даври Ахсикенти ёки **“Янги Ахсикент”** қалъаси ҳақида масала олим тадқиқотларида умуман учрамайди. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай шаҳар қурилган бўлса, у ҳолда

---

<sup>27</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.66.

алломанинг мақола ва рисолаларида бунга ҳам диққат қилинган бўлар эди.

Шунга кўра, Ибратнинг илмий тадқиқотларига ва бирламчи манбаларга асосланиб, Фарғона водийси шаҳарлари мўғуллар томонидан вайрон этилмаганлиги, темурийлар томонидан эса “**Янги Ахсикент**” қалъаси ҳеч қачон қурилмаганлигини шундай илмий асослаймиз:

1) Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Умаршайх Мирзо пойтахт қилган Ахсини қуйидагича тасвирлайди: “...Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битурлар. Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Андижондин ғарб сори тўккуз йиғоч йўлдур. Умаршайх Мирзо муни пойтахт қилиб эди, Сайхун дарёси кўрғонининг остидин оқар. Кўрғони баланд жар устида воқе бўлубтур. Хандақининг ўрнига амийқ жарлардур. Умаршайх Мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарроқдин яна жарлар солди. Фарғонада

мунча берк кўрғон йўқтур. Маҳаллоти кўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур...”<sup>28</sup>.

Зехн солинса, Бобур Аҳси ва Аҳсикатни бир қалъа сифатида эътироф этмоқда. Зотан, бу макондан етишиб чиққан олимлар ўзларига Аҳсикатий таҳаллусини олганликларини, шунингдек, Асириддин шоир ҳам аҳсикатлик эканлиги, шу боис ҳам у Аҳсикатий нисбасини олганлигини, отаси Умаршайх Мирзо ҳам айнан, шу ерни пойтахт қилганлигини ёзади. Маълумки, Асириддин Аҳсикатий<sup>29</sup> XII асрда яшаб ўтган машҳур шоирдир. Бобур бу ўринда Умаршайх Мирзо, айнан Асириддин туғилган шаҳарни пойтахт қилганлигини айтмоқда. Бундан XII асрда мавжуд бўлган ва китобларда “Аҳсикат”, деб аталган шаҳар билан XV асрдаги “Аҳси” шаҳри битта шаҳар эканлиги кўриниб турибди. Агар Умаршайх Мирзо китобларда “Аҳсикат”, Бобур даврига келиб эса “Аҳси”, деб аталган шаҳарни пойтахт қилган экан, демак гап битта қалъа ҳақида кетмоқда. Қолаверса,

---

<sup>28</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8.

<sup>29</sup> Асириддин Аҳсикатий Абдулфазл Муҳаммад Тохир (1108/10, Аҳсикат-1196/98, Озарбайжон, Ҳалхол шаҳри.)

бундан Ахсикатни мўғуллар вайрон қилмаганлиги тўғрисидаги хулоса ҳам келиб чиқади.

Шу билан бирга, Бобур тасвирлаган қалъанинг ўрни ҳам Эски Акси манзилгоҳининг географик тузилишига жуда мос тушади. Ўз даврида Ахсикент шаҳрининг сўнгги даврларига замондош бўлган тарихчи-географ олим Маҳмуд ибн Вали ҳам ўз асарида тасдиқлаб, Асириддин шоир Ахсикатда туғилиб ўсганлигини ёзган эди<sup>30</sup>. Маҳмуд ибн Вали яшаб ўтган ва айна, Ахсикентда зилзила бўлган давр, яъни XVII аср бошларида қандайдир мавҳум “Янги Акси” шаҳри мавжуд бўлган бўлса, уни бугунги кун олимларидан кўра, манбага 400 йил яқин турган тарихчи олим ёзиб ўтган бўлар эди. Бундан кўриниб турибдики, тарихда темурийлар томонидан ҳеч қанақа “Янги Акси” шаҳри қурилган эмас. Боз устига, биронта ҳам тарихий асарда бу ҳақда маълумот йўқ.

2) Бирон бир шаҳар, пойтахт қуриш давлат ғазнасидан катта маблағни тақозо этади. Аввало, янги шаҳар барпо этиш учун эҳтиёж бўлиши лозим.

---

<sup>30</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (Перевод Б.А.Ахмедова).-Ташкент: Фан, 1977. – С.17.



Умаршайх Мирзонинг янги қалъа-шаҳар қуришга маблағи етарли эдими? Ёки бунга ҳожат бор эдими?, деган саволларга жавоб бериш керак. Агар пойтахтни Андижондан кўчириш зарурати юзага келган бўлса, Фарғонада мустаҳкам мудофаа деворлари, ўз нуфузига эга бўлган Ўзганд, Ўш, Марғилон, Косон, Поп, Қува сингари қадимий, имконияти қулай шаҳарлар турган бир пайтда хазинадан улкан миқдордаги маблағни сарфлаб янги шаҳар солиш-бунёд этиш қай даражада заруратга айланган эди? “Бобурнома”да: “...Фарғона вилоятининг ҳосили била, агар адл қилсалар, уч-тўрт минг киши сахласа бўлур....”<sup>31</sup>, деб ёзади. Ўша даврда уч-тўрт минг навкарнигина таъминлаш имконияти бўлган давлатда, 10-15 йил ичида катта шаҳар-қалъа қуриш мумкинми? Ўз ўрнида Умаршайх Мирзо давлатидаги молиявий имкониятни шу даврдаги бошқа ҳукмдорларникига солиштирганда, масалага янада ойдинлик киритилади. Бобурномада қозок хони Қосимхон ҳақида шундай дейилади: “...қозок хон ва султонларининг орасида ҳеч ким ул улусни Қосимхонча забт қилгон эмастур. Черикини уч юз

---

<sup>31</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8,9.

мингга ёвуқ ченарлар эди...”<sup>32</sup>. Яна Қундуз ҳукмдори Хусравшоҳ ҳақида: “...Навқари йигирма мингга ёвушуб эди...”, дейди<sup>33</sup>. Гоҳи подшоҳлар бир неча ўн мингдан бир неча юз минггача қўшин сақлаш имкониятига эга бўлган пайтда, 3-4 минг нафар аскарнигина тасарруфида тутиш, давлатнинг молиявий имконияти шаҳар қуриш даражасида катта бўлмаганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Бобур мирзо Умаршайх Мирзонинг адолатпарвар, ҳалоллиги борасида тўхталиб шундай ёзади: “...Адолати бу мартабада эдики, Хитой корвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлук корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди...”<sup>34</sup>. Абул Фазл Алламий “Акбарнома” асарида юқоридаги

---

<sup>32</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.14.

<sup>33</sup> Ўша манба. - Б.28.

<sup>34</sup> Ўша манба. - Б.10.

воқеани баён этар экан, Умаршайх Мирзонинг маблағга эҳтиёжи бўлишига қарамасдан молларни эгаларига топширганлигини ёзади<sup>35</sup>. Бир савдо карвонидаги маблағга эҳтиёжи бор ҳукмдор тезлик билан бутун бошли шаҳарни барпо қилиши нечоғли ҳақиқатга яқин?

Сўнгги пайтлардаги айрим олимлар “Бобурнома”да келтирилган ушбу сўзларни ўзларича “замонавийлаштириб” “бовужуди эҳтиёж” сўзини “бор вужуди эҳтиёт” шаклига келтириб талқин қилган ҳолда воқеликка баҳо бермоқдалар. “Бовужуди эҳтиёж” сўзи, “эҳтиёж мавжудлигига қарамай” маъноларини беради. Агар матн “Бовужуди эҳтиёт” шаклида яъни “эҳтиёт мавжудлигига қарамай”, шаклида табдил қилинса, у ҳолда мутлақо мантиқсиз жумла пайдо бўлиб, матн тушунарсиз ҳолатга келиб қолади. Отасининг пулга эҳтиёжи борлигини унинг фарзанди Бобур ёзаётганлигини унутмаслик керак.

---

<sup>35</sup> [http://www.vostlit.info/Texts/rus15/Allami/Tom\\_I/frameset16.htm](http://www.vostlit.info/Texts/rus15/Allami/Tom_I/frameset16.htm)  
Умар [Омар] -Шейх Мирза.

3) Тарихчилардан ал-Балазури Ахсикентни Фарғонанинг қадимий пойтахти, деб кўрсатиб ўтади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаси Хўб Нигорхонимнинг ўғли Мирзо Муҳаммад Ҳайдар эса, “Ахси Фарғона шаҳарларининг онаси ҳисобланади”, деб ёзади<sup>36</sup>. У ҳолда қайси Ахси назарда тутилмоқда, Фарғонанинг икки минг йиллик тарихга эга бўлган пойтахти Ахсикентми ёки қурилганига 15-20 йил бўлган - Янги Ахсими? Яқиндагина бунёд этилган шаҳарни “шаҳарлар онаси”, деб аташ қанчалар жоиз? Илло, сўз Ахсикент тўғрисида бормоқда. Демак, Бобур Мирзонинг замондоши, тарихчи олим, унинг холаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ҳеч қандай афсонавий “Янги Ахси”ни эмас, балки Умаршайх Мирзо пойтахтга айлангирган, азалдан мавжуд бўлган қадимий Ахси шаҳрини таърифламоқда.

4) 1414 йил Мирзо Улуғбек Фарғона сари кўшин тортиб, Ахсини қамал қилиб эгаллайди<sup>37</sup>. Бу воқеа Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида қуйидагича тасвирланади:

---

<sup>36</sup> Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди.-Ташкент: ФАН, 1996.- С.53.

<sup>37</sup> Фасих Хавафи. Муджмали-и Фасихи.-Ташкент: Фан, 1980.-Б.167.

“...Мирзо Улуғбек Кўрагон Андижонга қараб юрди. Мирзо Амирак Аҳмад у ернинг қалъаларини мустаҳкамлаб, тоққа чиқиб кетди. Мирзо Улуғбек у ернинг энг катта қалъаси бўлган Аҳси қалъасини муҳосара қилди. У шундай қалъаки, унинг мезаналаридан фалак бошоқ (юлдуз)ларини териб олиш ва баланд хоналаридан фаришталар ғулғуласини эшитиш мумкин эди.

Қалъа аҳолиси қалъанинг мустаҳкамлигига мағрур бўлишиб жанг аслаҳаларини ҳозирладилар. Ғалаба ёр лашкар қалъа атрофини зирҳ кўзи-ю ари уясидек (илма тешик) қилиб қалъани эгаллади ва лашкар аҳли кўлига кўп бойликлар кирди. Мирзо Улуғбек раиятга тинчлик майдони ва омонлик маконидан ўрин берди ҳамда Поянда баковулни кутвол<sup>38</sup> тайинлаб, Андижон томон йўл олди”<sup>39</sup>.

1414 йилда Аҳси шаҳри мавжуд бўлиб, Мирзо Улуғбек уни қамал қилиб эгаллаган бўлса, демак мўғуллар уни вайрон қилмаган экан-да! У ҳолда Умаршайх Мирзони пойтахт учун янги Аҳси, деб

---

<sup>38</sup> Кутвол-қалъа бошлиғи.

<sup>39</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. Биринчи қисм.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-Б.255.

аталган шаҳар қурганлиги мантиқсиз эмасми?  
Ю.Г.Чулановнинг бу тахмини қай даражада тарихий  
ҳақиқатга мос тушади?

5) Шарқшунос олим Турғун Файзиев “Мирзо Улуғбек авлодлари” китобида XV асрдаги тарихий жараёнларни баён этар экан, Умаршайх Мирзога қадар ҳам Аҳси шаҳри мавжуд бўлганлиги ва у билан боғлиқ воқеаларни акс эттирган. Олим бу ўринда нодир қўлёзмалар: “Тарихи Абулхайрхоний”, “Тарихи касир”, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” каби асарлардан фойдаланади. Берилган маълумотларга кўра, 1457 йили Абулқосим Бобур томонидан Абдуллатиф Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жўкий Мирзо Шохрухия, Аҳсикент, Тошкент ва Сайрам вилоятларига ҳоким этиб тайинланади. Шунингдек, 1413-1414 йиллар воқеаларини баён этиш асносида Амир Темур невараси Аҳмад Мирзо мўғул қўшини ёрдамида Андижон ва Аҳсини эгаллаш учун ҳаракат қилганлигини, лекин, қўлга кирита олмаганлигини ёзади<sup>40</sup>. Демак, ушбу мулоҳазалардан Аҳси шаҳри XV

---

<sup>40</sup> Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Тошкент: Ёзувчи, 1994.- Б.16,38.

асрнинг 70-80 йилларидан олдин ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақидаги илмий хулоса келиб чиқади.

6) Аҳси қалъаси XV аср бошларида ҳам бўлганлигининг яна бир исботи ҳижрий 817 йилда, яъни, милодий 1414 - 1415 йилларда бу ерда тангалар зарб қилинганлигидир<sup>41</sup>. Мазкур тангалар нумизмат олимлар томонидан топиб ўрганилиб, илмий хулосалар ҳам берилган.

7) Профессор Н.И.Веселовский Эски Аҳсини ўрганиш борасида берган ҳисоботида шаҳар XV асрда борлигини ёзса, тадқиқотчи И.А.Кастанье эса темурийлардан Умаршайх Мирзо, шайбонийлардан Жонибек султон айнан Эски Аҳсидан туриб мамлакатни бошқарганликларини ёзган эди<sup>42</sup>.

8) Эски Аҳси ёдгорлиги юзасидан тадқиқотлар ўтказган атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон тўра Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида ҳамда “Туркистон вилоятининг газити” даги мақолаларида Аҳсида (яъни,

---

<sup>41</sup> Шпенёва Л.Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху тимуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.): Автореф. дис... канд. ист. наук.-Ташкент, 1997.-24 с.

<sup>42</sup> Кастанье И.А. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. I. Развалины Ахсыкента.-Ташкент: Коммерческая типография Я.П.Эдельмана, 1914.-С.2,5.

Эски Ахсида) даҳшатли зилзила бўлганлигини, шундан сўнг у қайта тикланмаганлиги ёзиб қолдирган<sup>43</sup>. “...Эски Ахсини бузулган тарихи 1030 ҳижрийда бўлган экан. Андин буён мазкур Ахсини ҳеч подшоҳлардин ёки фуқаролардин обод қилгани йўқ. Дехқонлар ва ўтунчилар ҳар хил нимарса топуб олурлар, чунончи, мис асбоблар ва шишалар, ҳар хил тошлар чиқадур, кўб ерлари дарёга кетгандур”<sup>44</sup>. Шу билан бирга Ибрат мақоласида Умаршайх Мирзо пойтахти бўлган Ахси шаҳрининг харитасини ҳам чизиб келтирган (1-сурат). Шу ўринда бир ўринли савол туғилади, Ахси тарихини ёритишда таниқли шарқшунос-манбашунос, Ахсикент археологияси билан шуғулланган дастлабки маҳаллий олимлардан Исҳоқхон Ибратнинг илмий хулосаларига таяниш керакми ёки Наманган ўлкашунослик музейи ходими Ю.Г.Чулановнинг тахминларигами?

Ибрат ушбу мақоласи орқали Эски Ахси манзилгоҳини Умаршайх Мирзо ва Жонибек Султонлар пойтахт қилганлигини, Умаршайх

---

<sup>43</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.-Тошкент: Маънавият, 2005.- Б.35.

<sup>44</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. История древнего города Ахси в Ферганской области //Туркистон вилоятининг газити, 1913.-№48.-23 июнь.



Мирзонинг қабри ҳам шу ерда эканлигини, уни Бобур тавоф қилиб, Андижонга ўтиб кетганлигини, шаҳарда 1621 йили zilзила бўлганлигини ва кейинчалик у қайта тикланмаганлигини ёзиб кетган эди. Ибрат мақолада: “...Фарғона областида қадимги замонларда пойтахт бўлуб турган Ахси ёки Ахсикент деган катта шаҳар бўлган экан. Бул кунларда мазкур шаҳарнинг ўрни ва асорати яхши маълумдур...”-деб, ёзган эди. Бу жумлалардан яна айрим масалалар ойдинлашади: биринчидан, Ахси ва Ахсикент қалъасининг ўрни дейилганда битта ёдгорлик тушунилиши, иккинчидан шаҳар харобалари 1913 йилга қадар ҳам сақланиб қолганлиги, уни кейинги даврнинг айрим тарихчилари даъво қилганидек, дарё ювиб кетмаганлигидир.

9) 1485 йили Хўжа Ахрор валий ҳазратлари Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзо ўрталаридаги зиддиятларни ҳал қилиш мақсадида Марғилон томон йўл оладилар. 2007 йил чоп этилган **“Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари”** китобида бу воқеа XV асрнинг охирида Марғилонда яшаб ўтган аллома мударрис Мавлоно Шох Ҳусайн Чоркуҳийнинг ҳикояси асосида қуйидагича келтирилган:

“...Ушбу мулоқот вақтида Ҳазрати Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор яқинда Ахсикентга Мирзо Умаршайх ҳузурига бориш ниятида эканликларини билдирдилар”<sup>45</sup>. Демак, 1485 йил Умаршайх Мирзо Ахсикент, деб аталган пойтахт-шаҳарда фармонбардорлик қилган экан. Шунини таъкидлаш жоизки, ўз даврида Ахсикент, деб аталган шаҳар айнан ҳозирги Эски Аҳси ёдгорлиги эканлиги барчага маълум.

**10) XV-XVI асрларга оид маноқиблардан Ахсикентда жомъе масжиди борлиги, у ерда “Момо хотун” зиёратгоҳи мавжудлиги ва Ахсикент шаҳри билан боғлиқ бошқа воқеалар ёритилган мисоллар кўплаб келтирилган<sup>46</sup>. Авлиё аёл зиёратгоҳи ҳам бугун Аҳси қишлоғида эмас, айнан Ахсикент ҳудудида жойлашган. Бу манзил ҳозир “Лангарбиби” зиёратгоҳи, деб юритилади (2-сурат). Демак, XV-XVI асрларда Ахсикент шаҳар сифатида тилга олинар экан, бу шаҳарнинг вайрон бўлиши мўғуллар босқини билан**

---

<sup>45</sup> Нодирбек Абдулаҳатов, Ўктамжон Эшонбобоев. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари.-Фарғона: Фарғона нашриёти, 2007.-Б.196.; Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб.- Тошкент: Имом ал Бухорий жамғармаси, 2002.-Б.25.

<sup>46</sup> Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб.- Тошкент: Имом ал Бухорий жамғармаси, 2002.-Б.52.

эмас, ер силкиниши билан боғлиқлигидан далолат беради.

**11)** X асрда ёзилган “Худуд ул олам” китобида “Ахсикат-Фарғонанинг қасабаси, амир ва масъул аёнларнинг қароргоҳи эрур, катта шаҳар”<sup>47</sup>, дейилган. Шу даврда яшаган ибн Ҳавқал ҳам шаҳар номини Ахсикат, деб беради<sup>48</sup>. “Бобурнома”да ҳам муаллиф Умаршайх Мирзо ўз даврида Ахси, китобларда эса Ахсикат, деб битилган шаҳарни пойтахт қилганлигини ёзган эди. Бундан X асрдаги Ахсикат билан XV асрдаги Ахси шаҳри битта макон эканлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

**12)** Мамлакат тарихидаги бирон бир муҳим воқеа албатта, ўз даври тарихчилари назаридан четда қолган эмас. Масалан, соҳибқирон Амир Темури томонидан Байлақон шаҳрига асос солиниши Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида ёзиб қодирган<sup>49</sup>. Ёки Султон Жалолиддин қўшинлари томонидан бир ярим йиллик қамалдан сўнг Ҳилот шаҳри 1230

---

<sup>47</sup> Ҳудуд ул олам.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-Б.15-16.

<sup>48</sup> Ибн Ҳавқал. Китоб сураат ал-ард.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.-Б.79.

<sup>49</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б.371-372.

йилнинг 14 апрелида босиб олинади. Шаҳар вайрон бўлган эди. Шунда, султон шаҳарни тиклаш ва қайтадан обод қилиш учун хазинадан 4 000 динар маблағ ажратади. Бу ўша давр учун улкан ҳажмдаги пул эди<sup>50</sup>. Академик В.В. Бартольд мўғуллар Бинокат шаҳрини вайрон қилгач, йиллар ўтиб соҳибқирон Амир Темури уни қайта тиклаганлигини ва ўғли Шохрух мирзо шарафига Шохрухия, деб атаганлигини ёзган эди<sup>51</sup>. Шундай экан, Умаршайх Мирзо Янги Ахси шаҳрини қурдирганлиги ҳақидаги маълумот қайси тарихий асарда ёзиб қолдирилган? Бу ҳақидаги тарихий далиллар қайси манбада акс этган?

**13) Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темури вафоти олдиан 1404 йили ўғил ва невараларига қайси ҳудудларни инъом қилганлиги ҳақида ёзади. Манбада кўрсатилганидек: “...Андигон ва Ахсикат ва Тароз ва Қошғар ва Хўтанни амирзода Иброҳимга берди ва нишонлар бериб, ол тамға**

---

<sup>50</sup> Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.-Тошкент: Ёзувчи-Ўзбекистон, 1999.-Б.352.

<sup>51</sup> Бартольд В.В. Сочинения Т.1. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.-Москва: Восточная литература, 1963.-С.226.

бостурди”<sup>52</sup>. Соҳибқирон ҳаётлик даврида суюрғол сифатида берган шаҳарлар қаторида Аҳси ҳам санаб ўтилар экан, бундан Аҳсикат мўғуллар даврида вайрон қилинмаганлиги яна бир қарра маълум бўлади.

**14)** 1216-1222 йиллар оралиғида Ўрта Осиёда бўлган машҳур тарихчи Ёқут ал-Ҳамавий (1178-1228 йй.) ўзининг “Мўжам ал булдон” (“Шаҳарлар луғати”) асарида Аҳсикентни обод ва кўркем шаҳар эканлигини, кўрган-билганларини ёзиб қолдиради. Чунончи, мўғул босқинини ўз кўзи билан кўрган, воқеалар шоҳиди бўлган шахс уни вайрон этилмаганлигини ўз асарида ёзиб қолдирмоқда. Агар муаллиф ўз асарини 1222 йилдан, яъни мўғул босқинидан кейин ёза бошлаганлигини инобатга олсак, у ҳолда шаҳар мўғуллар босқинидан кейин ҳам вайрон бўлмасдан гуллаб яшнаганлиги маълум бўлади. У ҳолда, шаҳарни мўғуллар вайрон қилганлиги даъвосини қилаётган тарихчилар, қайси манбааларга таяниб, бундай фикр билдираётганликларига аниқлик киритиш лозим бўлади.

---

<sup>52</sup> Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”.-Тошкент: Шарқ, 1997.- Б.293.

15) Ю.Г.Чуланов ўзининг мақоласида Ахсикент I дан фарқли равишда Ахсикент II да хом ғиштан курилган мустаҳкам деворлари йўқлигини ва шаҳар қисмларга ажратилмаганлигини ёзган ва унинг тахминий жойлашиш чизмасини келтирган (3-сурат). Бунинг ўзиёқ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тасвирлаган Ахси манзарасига мутлақо қарама-қарши фикрдир. “Бобурнома”да “...Фарғонада мунча берк кўрғон йўқтур... Хўжанд суйининг шимол жонибидинким, Султон Маҳмудхон мутаважжих эди, келиб Ахсини қободи, Жаҳонгир Мирзо анда эди, беклардин Али Дарвешбек, Мирзоқули Кўкалтош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикоға Ахсида эдилар. Вайс Лоғарий, Мир Ғиёс тағойи ҳам анда эди.... Хон Ахси ёвуғиға келиб неча қатла уруш солди, ҳеч иш қила олмади. Ахсидағи беклар ва йигитлар яхши жонлар торттилар. Бу аснода Султон Маҳмудхонға ориза бўлди, уруш солиб ҳам ўсониб эди, ўз вилоятиға мурожаат қилди...”<sup>53</sup>.

Султон	Маҳмудхондек	тажрибали
лашкарбошининг	шаҳарни	қамал қилиб

---

<sup>53</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8,18,19.

ололмаганлиги, шунингдек, Абдураззоқ Самарқандий ҳам ўз асарида Ахсини мустаҳкам мудофаа деворлари ва баланд минораларга эга қалъа эканлигини тасвирлагани, қолаверса, Умаршайх Мирзодек подшоҳ буниси асосли тарзда пойтахт қилганлиги Ю.Г. Чулановнинг фараз, тахминлари мутлақо нотўғри эканлигини исботлаб турибди. Сўнгги пайтларда, Ю.Г. Чулановнинг фикрларини асос қилиб олган ҳолдаги айрим мақолалар матбуот саҳифаларида пайдо бўлдики, улардаги мулоҳазалар Умаршайх Мирзодек подшоҳнинг ақл-заковоти, раҳбарлик қобилиятига нисбатан беписандлик кайфиятини ҳосил қилади. Бундай мазмундаги қарашларнинг берилиши Умаршайх Мирзо шахсига нисбатан ҳақорат эмасми?! Наҳотки, Умаршайх Мирзодек подшоҳ пойтахтга арзигулик жой бўлмаган шаҳарни пойтахт қилган бўлса, бизнингча ундай эмас. Ахси пойтахтга муносиб, мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга шаҳар бўлган. Буниси шу ерда яшаб ўтган, камолга етган, воқеаларнинг гувоҳи бўлган, дунёдан олган олим ва ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзмада. У ҳолда кимнинг гапларига ишониб мантиқлироқ бўлади? Ю.Г. Чулановнинг тахминларигами? Ёки саркарда,

олим ва подшоҳ бобокалонимиз Бобур Мирзонинг ёзма маълумотларигами?

**16)** Бугунги кунда Ахсикентга Косонсойдан сув олиб, Тўрақўрғон шаҳри орқали ўтиб келадиган ва тўғри ҳозирги Эски Ахси ёдгорлигига келадиган ариқ ҳам Ахси ариқ, деб номланади. Шунингдек, Наманган шаҳридаги эски йўл орқали Ахсикентга олиб борувчи қадимий кўчанинг номи ҳам Ахси кўчаси, деб номланади. Агар шаҳар мўғуллар даврида, бундан 800 йил муқаддам вайрон бўлганида эди, топонимикада ҳам бу ўзгариш акс этиб, кўча ва ариқларнинг номлари бошқача ном билан аталаётган бўлар эди.

**17)** Ахсикентни мўғуллар томонидан истилоси масаласига келсак, яна бир талай саволларга жавоб беришга тўғри келади. Мўғул кўшини Фарғона водийси ёки Ахсикентни қачон босиб олган? Мўғул кўшинининг лашкарбошилари кимлар эди? Жанглар қаерда кечган ва қачон бўлган? Шу даврда уларга қарши курашган Ахсикент, умуман Фарғона ҳукмдорлари ёки кўшин бошлиғи-лашкарбошилари кимлар эди? Энг асосийси, бу ҳақда қайси асарлардан излаймиз? Бу маълумот қайси ишончли манбадан



олинмоқда? Ахсикент ва Фарғонанинг бошқа шаҳарлари мўғуллар босқини даврида вайрон этилган, дейишдан аввал юқоридаги саволларга жавоб беришга тўғри келади.

Табиийки бу саволларнинг барчаси очик қолади. Умуман, мўғуллар босқини Фарғона водийсида қай даражада кечганлиги, улар Фарғонани қай тариқа босиб олганликлари масаласи алоҳида мавзу бўлганлиги боис, ушбу масалани кейинги тадқиқотларимизда юқоридаги манбаларга таянган ҳолда баён этамиз.

Агар мўғул босқини XX асрнинг 70 йилларидан кейинги адабиётларда берилган тахминларга кўра амалга ошмаган бўлса, у ҳолда Ахсикент шаҳрининг мўғуллар томонидан вайрон этилганлиги-ю Умаршайх Мирзонинг Янги Ахси қалъасини қуришга мажбур бўлганлиги ҳам асоссиз бўлиб чиқади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан эса, Ю.Г.Чулановга қадар барча олимлар Эски Ахси зилзила туфайли вайрон бўлганлигини тасдиқлаб, ўз илмий хулосаларини бериб кетганлар.

18) Ю.Г.Чуланов маълумотида Сирдарё суви 500-800 метргача бўлган масофада Ахси қўрғони ўрнини ювиб кетганлигини, шу боис ҳам шаҳарнинг асосий қисми бизгача етиб келмаганлигини исботламоқчи бўлади. Мантиқан олиб қаралганда, Янги Ахсини 500-800 метргача оқизиб кетган дарё нима сабабдан дастлаб ундан олдин келадиган Эски Ахсини ўз домига тортиб кетмади? Баландлиги бир неча ўн метр, узунлиги бир километр, энига 800 метргача ерни ҳақиқатан ҳам сув ювиб кетганида бу ҳудуд ирригация тизимига ҳам ўзининг таъсирини ўтказган ва Сирдарё бошқа ўзандан оқаётган бўлмасмиди? Башарият тарихидаги муҳим воқеалар қаторида улкан аҳамиятга эга бўлган табиий офатлар ҳам муаррихлар томонидан қайд этиб борилган. Масалан, ҳатто бундан деярли 1200 йил аввал, 829 йили Фарғонада рўй берган зилзила ва унинг оқибатларини баён қилиш ўша давр тарихчиларининг назаридан четда қолган эмас<sup>54</sup>. У ҳолда, Янги Ахси қалъасини дарё ўз домига тортиб кетганлиги ҳақидаги маълумот қайси манбада ифода этилган. Бу каби даъволар билан юрганларнинг

---

<sup>54</sup> Абу Саййид Гардизи. Зайн ал-Ахбар.-Ташкент: Фан, 1991.-С.128.

фикрлари учун манбавий асос бўла оладиган тарихий ҳужжат мавжудми?

19) “Бобурнома”да яна бир эътиборли жиҳат бор. Бу Аҳси кўприги масаласи. Бобур 1502-1503 йиллар воқеаларини ёритар экан, Аҳсида кўприк борлигини, тунда унга кўриқчи қўйилмаганлиги туфайли, Аҳмад Танбал кўприкдан ўтиб Аҳсига кириб келганлигини ёзган эди: “...Кўпрукка киши қўймоқ керак эди, кўпрукка ҳам киши қўймадук. Бетажрибаликдин мундоқ ўсаллар бўлди. Тонг бошида Танбал етти. Уч минг яроғлиқ киши била келиб кўпрукдин ўтуб аркка кирди...”<sup>55</sup>.

Ана энди, Аҳси кўприги қаерда жойлашгани ҳақидаги савол туғилади. Табиийки, Сирдарё устига фақатгина дарёнинг эни энг тор ва қулай бўлган жойидангина кўприк иншоотини куриш мумкин. Эндиликда Интернетдаги “Google” қидирув тизими орқали олинган мазкур ҳудуд харитасига назар ташланганда, кўприк учун энг мос жой ҳам айти ҳозирги кўприк ўрни ҳисобланади (4-сурат).

---

<sup>55</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.100-101.

Алалхусус, азим дарёнинг ҳар 5-10 чақирим оралиғига ҳадеганда кўприк қурилавермас. Демак, Эски Аҳси кўрғони этагида жойлашган ҳозирги кўприк ўрни XV асрда ҳам мавжуд бўлган. Фақат 1621 йилги zilзила вақтида, балким ундан кейин шаҳар вайронага айлангач, кўприк ҳам бузилиб кетган бўлиши мумкин. 1913 йилда И.А. Кастанье бу ерда кишиларнинг дарёнинг у бетидан бу бетига ўтказиб турувчи махсус кемачилар бўлганлигини ёзган эди. XX асрга келиб, махсус кемалар (соллар, паром) орқали кишиларни дарёдан ўтказиш учун танланган манзил ҳам тасодифий бўлмаслигини ҳисобга олиш лозим. Демак, қачонлардир шу ерда Бобур тасвирлаган Аҳсига олиб кирувчи кўприк бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

20) Бобур мирзо ўз асарида: “...Андижон суйи Ўшдин келур, Аҳси суйи Косондин келур....”,<sup>56</sup> дейди. Агар ерости сув йўли назарда тутилса, бу ҳам Эски Аҳси ҳудудидан топилган. Яъни, Косонсойдан ерости сопол қувурлари орқали Аҳсикентга сув олиб келингани барчага маълум (5-сурат). Агар-да, ерусти сувлари хусусида фикр юритиладиган бўлса ҳам,

---

<sup>56</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.8.

Косонсойдан ариқлар орқали сув тўғри Ахсикентга олиб келинганлигининг шоҳиди бўламиз (6-сурат).

Шунингдек, археолог олимлардан А.Анарбаев ва И.Ахроровлар ҳам ўз илмий мақолаларида Ахсикентга сув Косонсойдан олиб келинганлигини ёзган эдилар: “...Сунъий суғориш учун Косонсойдан ариқ ва каналлар қазиб чиқарилган. Ахсикат шаҳрига сув шундай ариқлар орқали келган. Шаҳар ҳудудида ҳам сув ариқларда оққан.

Х асрга келиб шаҳар сув таъминотида кескин ўзгариш содир бўлиб, мутлақо янги тизим яратилди. Ахсикатнинг муҳандис-ирригаторлари пухта пишиқ ишланган лойиҳа асосида бир неча юз йил давомида фойдаланиш мумкин бўлган ерости сув иншооти тизимини яратдилар”<sup>57</sup>. Ушбу хулоса ҳам “Бобурнома”даги фикрларни айнан тасдиқлаб, бугунги Ахсикент ёдгорлигининг сув иншооти хусусида сўз юритилаётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, бугунги кундаги айрим адабиётларда Исҳоқхон Ибрат ва И.А.Кастанъелар

---

<sup>57</sup> Анарбаев А., Ахроров И. Водоснабжение средневекового города Ферганы (по материалам Ахсикента). Я.Г. Гулямов и развитие исторических наук в Узбекистане.-Ташкент: Фан, 1988.-С.19-20.

томонидан чизиб кўрсатилган Эски Акси ёдгорлигининг харитасига хилоф равишда ерусти сувларини ариқлар орқали Косонсойдан тўғри ҳозирги Акси қишлоғига келганлигини тасвирлаб чизилган хариталар берилмоқда. Бу сунъий ихтиро қилинаётган лойиҳалар илмий ҳақиқатларга мутлақо зиддир. Чунки, Акси қишлоғи билан Косонсойдан сув оладиган Акси ариғини орадаги Жанжалсой сойи ажратиб туради. Акси қишлоғига сув табиий ҳолатда бора олмаслиги шундан ҳам маълумки, сойнинг бошланғич нуқтасининг ўзидаёқ қирғоқ баландлиги сув сатҳидан 4-5 метр юқорида жойлашган. Жанжалсой ўзининг қуйилиш нуқтасига яқинлашгани сайин бу баландлик янада ортиб боради. У ҳолда, Косонсойдан табиий оқар сув бориши душвор бўлган ҳудудда янги бир шаҳарни машаққат билан қуришга эҳтиёж борми, деган савол туғилади. Шунингдек, ҳатто эндиликда ҳам Шимолий Фарғона каналини Жанжалсойнинг чап қирғоғидан ўнг қирғоғи, яъни Акси қишлоғи томонига олиб ўтиш учун сунъий кўтарма сув йўли – Акведук қурилган ва шу орқали олиб ўтилган (10-сурат).

21) Умаршайх Мирзо жарга тушиб кетган жойдаги каптархона масаласи ҳам аниқлик киритилиши даркор бўлган жиҳат ҳисобланади. Ю.Г.Чулановнинг фикрича дарё қалъа майдонини 500-800 метргача ўпириб кетган бўлса, у ҳолда каптархоналар ҳам дарё сувига ғарқ бўларди. У ҳолда бугунги Аҳси қишлоғида каптархона, деб аталган манзилни Умаршайх Мирзо давридаги каптархона билан бир жойда бўлган дея, қиёслаш қай даражада асосли бўлади? Ваҳоланки, Эски Аҳси жарларининг юқори қисмларида ҳам асосан каптарлар ин қурганлигини И.А. Кастанье ҳам ёзиб қолдирган. Бу ерлардаги аҳоли, хусусан, бугунги қариялар Аҳсикент харобаларининг жануби-шарқий қисмидаги жарларнинг юқори қисмида олдинлари кўплаб каптар уялари бўлиб, у ерлар каптархона, деб аталганлигини айтишади. Айни даврда, юзлаб каптарлар бугун ҳам худди ўша ерларда уя қуриб яшаётганлигини таъкидлаш жоиз (7-сурат). Бу масаланинг бир томони. Аслида Умаршайх Мирзо фаолиятини каптархона ёки каптарлар билан боғлайвериш унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, “Бобурнома”да: “...Умаршайх мирзо жардин кабутар

ва кабутархона била учуб, шунқор бўлди.”<sup>58</sup>, дейилган холос. Яъни, гап каптархона, деб аталувчи макон хусусида эмас, каптарлар турадиган уйча ҳақида бормоқда. Асарда Ахсида “каптархона”, деган махсус жой бўлганлиги ёки каптар парваришлаш Умаршайх Мирзонинг севимли машғулоти эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бошқа асарларда ҳам Умаршайх Мирзонинг каптарлар билан боғлиқ фаолиятига тўхталиб ўтилмаган. Айрим кишилар бу шаҳарлар орасида қатновчи “хабарчи” каптарлар бўлган, деган фикрларни билдирадилар. Бу ҳақда ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу боис, тахминларга асосланиб тарих битишдан кўра, ноаниқ масалаларни очик қолдириш афзалроқ кўринади.

**22)** Мўғуллар давригача бўлган асарларда Ахсикентнинг деворлари пахсадан тикланганлиги қайд этилган<sup>59</sup>. Аммо ҳозирда Эски Ахси ёдгорлиги кўздан кечирилганда, хом ғишдан қурилган бино деворларини кўриш мумкин (8-сурат). Демак, хом ғиштли деворлар кейинги давр маҳсули. Бу эса Эски

---

<sup>58</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент: Юлдузча, 1989.-Б.9.

<sup>59</sup> Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.-Б.79.



Ахсида ҳаёт кейинги асрларда ҳам давом этганлигидан далолат беради.

**23)** Профессор Н.И.Веселовский Эски Ахсининг 5 та ҳудудини танлаб олиб, ҳудудларларнинг 10 та пунктида қазилма ишларини олиб борган. Чунончи, археологик қазилма пунктларидан тартибсиз ҳолда ётган одам бош косаси, уларнинг устида эса тескари ҳолатда тўнқарилган сопол буюмлари топилган. Чанок суякларининг юқори қисми тепага қараган кўринишда топилиши ҳам фақатгина табиий офат, яъни, zilzila ёки табиий ҳодисалар пайти учунгина хослигини унутмаслик керак.

**24)** Ахсикентда топиб ўрганилаётган ерости сув иншоотига назар ташланса, ғайриоддий ҳолатга кўз тушади. Шу билан бирга, Эски Ахси вайроналаридаги уюм-уюм тўпланиб ётган сопол идиш синиқлари, ерости сув қувурларидаги ғишт ва сополларнинг лойга қоришиб қотиб қолган ҳолати ҳам мутахассис сейсмолог олимларнинг фикрига кўра фақатгина табиий офат натижасида бўлишидан дарак. Яъни, zilzila даҳшатли бўлганлигидан, ер ёрилиб, деворлар

кулаб тушганлиги ва барча ашёлар ёрилган ер қаърига чўкканлигидан далолат беради<sup>60</sup>. (9-сурат).

Еростидаги сув қувурларини назорат қилиш учун мўлжалланган бу иншоот ким томонидан, қачон ва нима мақсадда лой ва тупроқ билан тўлдириб ташланди? Аслида бунинг иложи борми? Ундан кўзланган мақсад нима бўлиши мумкин? Шунингдек, бутун ёдгорлик узра ва қазилмалар остида майда бўлақларга бўлиниб ётган ғишт ҳамда сопол парчаларини атайин, шу ҳолатга келтириш мумкинми? Ёки ундан босқинчи учун наф борми? Кўриниб турибдики, бу ҳолат сейсмология соҳаси олимларининг берган маълумотларига кўра, фақатгина улкан фожиавий zilзила оқибатидагина бўлиши мумкин.

**25)** Яна бир муҳим масала Янги Аҳси атамаси теурийлар даврида эмас, XIX асрнинг сўнги чорагида пайдо бўлганлигидир. Исҳоқхон Ибрат бу масалани ҳам ўз мақолаларида ёритиб ўтган. Мустамлака даври маъмурий тузилишига кўра,

---

<sup>60</sup> Кастанье И.А. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. I. Развалины Ахсыкента.-Ташкент: Коммерческая типография Я.П.Эдельмана, 1914.-С.12.

бугунги кундаги Ахси қишлоғи билан Шаҳанд қишлоғи орасидаги қишлоғлар “Ахси-Шаҳанд” волостига бирлаштирилган бўлиб, халқ тилида “Янги Ахси”, деб аталган. Яъни, “Янги Ахси” атамаси темурийлар янги шаҳар қуриб, уни “Янги Ахси” номи билан атаганлигидан келиб чиққан ном эмас.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: нима сабабдан Ю.Г.Чулановнинг таҳмини кейинги ўринларда илмий асос сифатида қабул қилинди? Фикримизча, марказдан келган бу мутахассиснинг фикрига ўша даврда ҳеч ким эътироз билдира олмаган. Бу борада шунга яқин бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин. Масалан, собиқ советлар даврида соҳибқирон Амир Темури шахсига тухмату бўхтонга тўла салбий муносабат, истиқлолчилик ва жадиидчилик ҳаракати намояндалари ҳақида тарихий ҳақиқатни атайин, бузиб кўрсатилиши, юзлаб ватанпарвар зиёлиларимизнинг бадном этилиши. Булар хусусида ўз даврида ҳеч қандай эътироз, раддия фикр бериб бўлмас эди. Бунга академик И.Мўминовнинг амир Темури тўғрисидаги ҳаққоний фикрлари акс этган биргина рисоласи туфайли не кунлар бошига тушганлигини эслаш кифоя.

Мисол учун тарихчи-археолог И.Ахроров Ю.Г.Чулановгача бўлган даврда Янги Ахси ҳақида бирон фикр бермаган. Эски Ахси зилзила туфайли вайрон бўлганлиги, Умаршайх Мирзо шу ердан тахтни бошқарганлигини ёзган бўлса<sup>61</sup>, XX асрнинг 60-йиллари охирларидан бошлаб эса, Ю.Г. Чулановнинг фикрига таяниб ёзилган илмий мақолаларни эълон қила бошлади<sup>62</sup>. Мана шунинг ўзидан кўриниб турибдики, мазкур масалада ҳам марказ чизиб берган “чизик”дан чиқмай иш кўриш табиий ҳолат бўлган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, шаҳарнинг вайрон бўлишини мўғуллар босқини билан боғлаш бу — даҳшатли Ахси зилзиласида ҳалок бўлган ота-боболаримиз, аждодларимизни эсдан чиқариш, деганидир (11-сурат).

Ушбу ғайриилмий хулосанинг яна бир салбий жиҳати бор. Аввало, Фарғона водийси мўғул давлати таркибига қай ҳолатда киритилганлигини манбаларга

---

<sup>61</sup> Ахроров И. Археологические исследования городища Ахсикент в 1960 году //Общественные науки в Узбекистане.-1962.-№8.- С.54,58,59.

<sup>62</sup> Ахроров И. Новые археологические материалы с городища Ахсикет XIV—XVI веков //Общественные науки в Узбекистане.-1969.-№ 8-9.- С.80-81.

таянмасдан фақат тахминлар асосидагина ёритилишига олиб келса, бошқа бир тарафи Шарқий қорахонийлар, найманлар ва мўғуллар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар тарихини мутлақо нотўғри изоҳланишига олиб келади.

Шу туфайли, Ахсикент тарихини ёритишда асосли тарзда Исҳоқхон Ибрат илмий меросига таяниш энг тўғри йўл эканлиги маълум бўлади.

**“Янги Ахсикент” ғоясининг Ватан тарихшунослигидаги салбий жиҳат ва оқибатлари:**

1) Ахсикентнинг 400 йиллик (1221-1621 йиллар) тарихи йўққа чиқарилади;

2) Темурийлар “Янги Ахсикент” шаҳрини қурганлигини исботлаш учун сохта тарих яратилади;

3) Ахсикент билан унинг атрофида жойлашган аҳоли масканлари орасидаги масофаларни аниқлашда чалкашликлар келиб чиқади;

4) Ахси қишлоғи атрофида тарихий манбаларга зид равишда сохта-сунъий қадамжо, зиёратгоҳлар пайдо бўлади;

5) Ахсикент зилзиласида оламдан ўтган инсонлар хотираси эсдан чиқарилади;

6) Фарғона водийсининг мўғуллар давлати таркибига қай тариқа кирганлиги тарихи нотўғри талқин қилинади;

7) Шарқий Қорахонийлар давлатининг тарихи ёлғон асосида ёритилади;

8) XIII аср бошларида Ўрта Осиё минтақасидаги геосиёсий вазият, найманлар давлатининг Фарғона водийси ва Қошғар аҳолисига нисбатан юритган мустамлакачилик сиёсати, ўтказган зулмлари унутилади;

9) Ахсикент ёдгорлиги (Эски Акси)дан топиладиган археологик топилмаларнинг санаси нотўғри белгиланади;

10) Ахсикентни бошқа шаҳарлар билан боғлаган савдо йўллари ҳақида нотўғри маълумотлар, тушунчалар юзага келади;

11) Тарихий ёзма миллий манбаларимизга нисбатан ишончсизлик, шубҳа, беписандлик кайфияти туғилади;

12) Шарқ алломалари: Ёқут ал-Ҳамавий. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Маҳмуд бин Вали, Саййид Муҳаммад Тоҳир, Исҳоқхон Ибратларнинг илмий мероси шубҳа остига қўйилади, ҳаспўшланади;

13) XIX аср охири XX аср бошларида Ахсикент бўйича тадқиқот ишларини олиб борган европалик ва маҳаллий олимларнинг асосли илмий хулосалари йўққа чиқарилади;

14) Темурийлар даври Ахсикентининг географияси, жойлашган ўрни масаласи нотўғри талқин қилинади;

15) Ёш авлодда ўтмишга нисбатан нотўғри муносабат уйғотилади, ғайриилмий тарих билан қуроллантирилади.



2-сурат.  
Ахсикентдаги “Лангарбиби” зиёратгоҳи.



3-сурат.  
Ю.Г. Чулановнинг фикрига кўра Ахсикент  
ёдгорлигининг тузилиши. 1963 йил.






Рис. 1. План расположения городищ Ахсыкет I и Ахсыкет II  
1 — культурный слой (Ахсыкет I)



4-сурат.  
Сирдарё хавзасидаги Ахсикент ёдгорлигининг Google  
қидирув тизими орқали олинган харитаси.



**5-сурат.**  
**Ахсикент. Ерости сув иншоотининг очиб ўрганилган**  
**қисми.**





**7-сурат.**  
**Эски Ахси ёдгорлиги. Кабутарлар.**



**8-сурат.**

**Ахсикент деворларининг кўриниши.**



9-сурат.

Эски Акси харобаларидан zilzila аломатларининг  
кўриниши



**Эски Акси харобаларида zilzila аломатлари: шахар деворларининг қулаган ҳолати ва ерости сув иншоотининг лойқа билан тўлган ҳолати**



**10-сурат.**  
**Жанжалсойнинг юқори ва қуйи оқими. Сойнинг бошланиш қисмида қирғоқларнинг сув сатҳидан баландлиги 3-4 метрни, қуйи оқимида эса 8-9 метрни ташкил этади. Бу эса сойнинг сўл томонидан ўнг томонига табиий ҳолатда ариқ орқали сув олиб ўтишнинг иложи йўқлигини кўрсатиб турибди.**





**Шимолий Фарғона каналининг Жанжалсой устидан  
кўтарма сув йўли - Акведук орқали олиб ўтилган  
қисми ҳамда сой устига автомобиль йўли учун  
қурилган кўприк**



**11-сурат.**  
**Рассом Косьяненко. “Аҳси зилзиласи”. Тошкент. (Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланади).**



**Фойдаланилган манба, адабиёт ва меъёрий-  
ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 13 апрелдаги 208-Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўрақўрғон туманида Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йилнинг 5 сентябридаги 698-Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида «Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-Қарори.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. Биринчи қисм.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
6. Абу Сайид Гардизи. Зайн ал-Ахбар.-Ташкент: Фан, 1991.
7. Анарбаев А. Ахсикент - столица древней Ферганы.- Ташкент: Тафаккур, 2013.
8. Анарбаев А., Ахраров И. Водоснабжение средневекового города Ферганы (по материалам Ахсикента). Я.Г. Гулямов и развитие исторических наук в Узбекистане.-Ташкент: Фан, 1988.
9. Бартольд В.В. Сочинения Т.І. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.-Москва: Восточная литература, 1963.

10. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома.- Тошкент: Юлдузча, 1989.
11. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011.
12. Исҳоқхон тўра Ибрат. Тарихи Фарғона.-Тошкент: Маънавият, 2005.
13. Кастанье И.А. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области. I. Развалины Ахсыкента.-Ташкент: Коммерческая типография Я. П. Эдельмана, 1914.
14. Касымбеков К. Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX-начале XX века. Т.: Фан, 1978.
15. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (Перевод Б.А.Ахмедова).- Ташкент: Фан, 1977.
16. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди.- Ташкент: ФАН, 1996.
17. Мухаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби.- Тошкент: Имом ал Бухорий жамғармаси, 2002.
18. Низомиддин Шомий. Зафарнома.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
19. Нодирбек Абдулаҳатов, Ўктамжон Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари.-Фарғона: Фарғона нашриёти, 2007.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.-Москва: Рус тили нашриёти, 1981.
21. Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Тошкент: Ёзувчи, 1994.
22. Фасих Хавафи. Муджмали-и Фасихи.-Ташкент: Фан, 1980.
23. Ҳудуд ул олам.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
24. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома.-Тошкент: Шарқ, 1997.

25. Шихобиддин Мухаммад ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти.-Тошкент: Ёзувчи-Ўзбекистон, 1999.

26. Шпенёва Л.Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху тимуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.): Автореф. дис... канд. ист. наук.-Ташкент, 1997.

### **Мақолалар:**

1. Ахраров И. Археологические исследования городища Ахсикент в 1960 году //Общественные науки в Узбекистане.-1962.-№8.

2. Ахраров И. Новые археологические материалы с городища Ахсикет XIV—XVI веков //Общественные науки в Узбекистане.-1969.

3. Исҳоқхон тўра Жунайдуллаев. Фарғона областидаги қадимги Ахси шаҳрининг тарихи //Туркистон вилоятининг газети, 1913 йил 23 июнь 48-сон, 7 июль 52-сон, 11 июль 53-сон, 18 июль 55-сонлари.

4. Чуланов Ю.Г. Городище Ахсыкет //Советская археология, 1963 йил №3.

## Мундарижа:

1. Муқаддима 3
2. Ўзбекистон Республикаси 9  
Президенти Ш.М.Мирзиёев  
маърифатпарвар Ибрат меросини  
ўрганиш ва халққа етказиш  
ташаббускори ва раҳнамоси.  
*Турсунбой Файзуллаев*
3. Туркистон вилоятининг газети №48, 20  
23 июнь 1913 йил. Фарғона  
областидаги қадимги Ахси  
шаҳрининг тарихи (факсимилеси)
4. Туркистон вилоятининг газети №48, 21  
23 июнь 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в Ферганской области.  
(Фарғона областидаги қадимги Ахси  
шаҳрининг тарихи). (кирилл  
алифбосига ўгирилгани)
5. Туркистон вилоятининг газети №52, 7 28  
июль, 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в Ферганской области.  
(факсимилеси)
6. Туркистон вилоятининг газети №52, 7 29  
июль, 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в Ферганской области.  
(кирилл алифбосига ўгирилгани)
7. Туркистон вилоятининг газети № 53, 31  
11 июль 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в ферганской области.  
Фарғона музофотининг Наманган  
уези Чуст участкасига қарашли

- Шаҳанд булистиға тобъе жойда воқъе  
бўлунмиш Ахси деб ном чиқорган  
кадимги эски шаҳарни хусусида.  
(факсимилеси)
8. Туркистон вилоятининг газети № 53, 32  
11 июль 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в ферганской области.  
Фарғона музофотининг Наманган  
уези Чуст участкасига қарашли  
Шаҳанд бўлистиға тобъе жойда воқъе  
бўлунмиш Ахси деб ном чиқорган  
кадимги эски шаҳарни хусусида.  
(кирилл алифбосига ўгирилгани)
9. Туркистон вилоятининг газети № 55, 35  
18 июль 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в ферганской области.  
(факсимилеси)
10. Туркистон вилоятининг газети № 55, 36  
18 июль 1913 йил. История древнего  
города Ахсы в ферганской области.  
(кирилл алифбосига ўгирилгани)
11. Ибрат – Ахсикент тадқиқотчиси 39
12. Ибратнинг Ахсикент тарихи бўйича 58  
тадқиқотларининг Ватан  
тарихшунослиги учун аҳамияти
13. “Янги Ахсикент” ғоясини Ватан 93  
тарихшунослигидаги салбий жихат ва  
оқибатлари
14. Илова: хариталар, чизмалар, 95  
фототасвирлар
15. Фойдаланилган манба, адабиёт ва 107  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати





Тоҳиржон Қозоқов Алижон Воҳидов  
Баҳтиёр Рўзинов

# ИБРАТ НИГОҲИДАГИ АХСИКЕНТ

Мухаррир:	Н. Бабаханов
Техник муҳаррир:	М.Курбанова
Компютерчи:	Н.Жумабаева
Рассом:	Ф. Сатторов

Бичими 60x84 1/16. Хажми 6.9 босма табоқ. Оффсет усулда босилди.

Буюрма 32. Адида 500 нусха. Баҳоси келишилга нарҳда .

---

“Фазилат орг тех сервис” ХКда чоп этилди,  
Наманган шаҳар Навоий кўчаси 72-уй